



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI
O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

YANGI O'ZBEKISTON IQTISODIYOTI

6

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

6

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent - 2022

UDK: 818.213

BBK: 84.61

B-29

Butun kuch va salohiyatimizni yagona ulug‘ maqsadimiz – Yangi O‘zbekistonni barpo etishga qaratamiz.

Yangi O‘zbekiston – bu, avvalo, yangi iqtisodiy munosabatlar, yangi iqtisodiy dunyoqarash demakdir.

**O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti
Shavkat Mirziyoyev**

Все свои силы и потенциал мы направим на достижение нашей общей великой цели - построение нового Узбекистана. Новый Узбекистан – это, прежде всего, новые экономические отношения, новое экономическое мировоззрение.

**Президент Республики Узбекистан Шавкат
Мирзиёев**

© Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti

© «KLASSIC PRINT» nashriyoti

“Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti” - ilmiy-uslubiy jurnal

Ilmiy-uslubiy jurnal 1.09.2022-yildan boshlab chiqa boshlagan, yiliga 6 marta chop etiladi.

Ta’sischi:

MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

Bosh muharrir

i.f.d., prof. A.Qodirov

Bosh muharrir o‘rinbosari

PhD, dots. X.X.Rejapov

Mas’ul kotib

PhD. K.A.Muxitdinova

Jamoatchilik kengashi:

Prof. I.U.Madjidov (rais), prof. Sh.Toshmatov, PhD E.Yodgorov, i.f.n., dots. A.T.Umarov, i.f.d., prof. A.Qodirov

Tahrir hay’ati:

Prof. Sh.O.Toshmatov, i.f.d., prof. A.Qodirov, prof. A.V.Vaxabov, prof. X.P.Abdulqosimov, prof. F.T.Egamberdiyev, prof. Sh.K.Yo‘ldashev, prof. A.M.Sodiqov, prof. Q.Muftaydinov, prof. K.Ubaydullayev, i.f.d. Q.K.Mambetjanov, i.f.d. B.Tagayev, i.f.d. Z.T. G‘oipnazarova, i.f.d., G.N.Maxmudova, i.f.d. I.Y.Umarov, prof. v.b. P.Z.Xashimov, prof. N.G.Mo‘minov, dots. A.T.Umarov, dots. Sh.S.Nasretdinova, dots., B.B.Mullaboyev, dots. Z.Jumaqulov, dots. N.A.Artiqov, dots. K.A.Muxiddinova, dots. D.I.Ro‘ziyeva, dots. X.X.Rejapov, dots. A.Boboyev, dots. X.Baratov, dots. A.M.Tursunov, dots. O.O.Daminov, dots. J.O.Xakimov, dots. N.A.Kudratxodjayeva, dots. M.I.Saidkarimova, dots. Sh.R.Fayziyeva, dots. N.Z. Umarova, PhD B.B. Baxtiyorov, PhD U.S.Berdimurodov

Tahririyat manzili:

10095, Toshkent - 95, Universitet ko‘chasi, 4. tel: (+99899) 821-20-72

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administrasiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikasiyalar agentligi tomonidan 17.07.2022-yilda № 4715-son bilan ro‘yxatga olingan.

Buyurtma: ISSN 978-9943-5256-3-4

Jurnalda ma’lumotlar bosilganda dalillar ko‘rsatilishi shart. Jurnalda chop etilgan ma’lumot va keltirilgan dalilarning aniqligi uchun muallif javobgardir.

“Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti” № 6. 2022

MUNDARIJA

Rejapov X.X. Davlat qarzini mamlakat iqtisodiy rivojlanishida o‘rni va ahamiyati.....	6
Kim S.S. Ижтимоий тадбиркорликни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллари ва ўзига хос хусусиятлари.....	11
Матчонова Ф.А. Рақамли иқтисодиёт шароитида саноат корхоналарининг рақобатдошлигини ошириш.....	19
Муродова М.Ч. Озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш.....	27
Давлятов Б. А. Пахта-тўқимачилик корхоналарини кластерлашни такомиллаштириш йўналишлари.....	36
Хайитов Ш.П. Тўқимачилик саноатини барқарор ривожлантириш йўналишлари.....	43
Юлдашев С.Ф. Нефть-газ саноати корхоналарида инвестицион фаолиятни ривожлантириш йўналишлари.....	50
Rejapov S.X., Xolmo‘minov X.O. Rivojlangan mamlakatlar budjet ijrosida g‘aznachilik tizimining o‘rni va ahamiyati.....	60
Хамроев Т.О., Черкашина И.А. Особенности регулирования международным частным правом порядка заключения электронных договоров.....	69
Абулқосимов Х.П. Илм-маърифат йўлида.....	77

**DAVLAT QARZINI MAMLUKAT IQTISODIY RIVOJLANISHIDA
O'RNI VA AHAMIYATI**

**РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО ДОЛГА В
ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ СТРАНЫ**

**THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF PUBLIC DEBT IN THE
ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE COUNTRY**

**O'zMU Iqtisodiyot fakulteti Moliya va kredit
kafedrası mudiri, PhD Rejapov Xayrillo Xikmatullayevich**

Annotatsiya

Maqolada davlat qarzi tushunchasi, uning mohiyati va iqtisodiy mazmuni, joriy tarkibi hamda turlari o'rganilgan. Davlat qarzining turlari, to'lash usullari, kelib chiqish sabablari, davlat qarzining oshib ketishi oqibatlari, iqtisodiy rivojlanishga ijobiy va salbiy ta'sirlari tahlil qilingan. Davlat qarzini boshqarishning ahamiyati yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: davlat qarzi, oltin xazira fondlari, qarz majburiyatlari, joriy, kapital, kredit, qimmatli qog'ozlar.

В статье исследуются понятие государственного долга, его сущность и экономическое содержание, современная структура и виды. Анализируются виды государственного долга, способы его погашения, причины возникновения, последствия роста государственного долга, положительное и отрицательное влияние на экономическое развитие. Подчеркивается важность управления государственным долгом.

Ключевые слова: государственный долг, золотовалютные резервы, долговые обязательства, оборотные средства, капитал, кредит, ценные бумаги.

The article examines the concept of public debt, its essence and economic content, modern structure and types. The types of public debt, methods of payment, causes of origin, consequences of excess public debt, positive and negative effects on economic development are analyzed. The importance of public debt management is highlighted.

Key words: public debt, gold reserve funds, debt obligations, current, capital, credit, securities.

Iqtisodiy o'zgarishlarni amalga oshirayotgan dunyoning aksariyat davlatlari tashqi va ichki moliyalashtirish manbalariga murojaat qilmoqda. Kreditlardan oqilona foydalanish iqtisodiy taraqqiyotni jadallashtirishga, ijtimoiy-iqtisodiy

muammolarni hal etishga xizmat qiladi. Biroq, tashqi va ichki kreditlarni jalb qilish va ulardan foydalanish bo'yicha izchil davlat siyosatining yo'qligi davlat qarzining shakllanishiga olib keladi va bu iqtisodiy o'zgarishlarga jiddiy to'siq bo'ladi.

Davlat qarzi davlatning aholi, firma, tashkilot, banklar, xorijiy moliya-kredit muassasalari oldidagi qarz majburiyatlaridir. Davlat o'z daromadlari bilan xarajatlarini qoplay olmagan sharoitda budjet taqchilligi yuzaga keladi va u qarz ko'tarish yo'li bilan qoplanadi. Davlat qarzni turli qimmatli qog'ozlar, obligatsiyalar, zayomlar chiqarib sotish, moliya muassasalaridan ssuda olish va boshqa usullar orqali jalb qiladi.

Davlat qarzining to'lov davriga ko'ra qisqa muddatli va uzoq muddatli, tarkibiga ko'ra ichki (davlat mamlakatning o'zidagi iqtisodiy subyektlardan qarzдор bo'ladi) va tashqi (xorijiy davlatlar, xalqaro tashkilotlar va boshqalardan qarzдорlik) qarz kabi turlari mavjud. Ichki qarz va uning foizlari milliy pulda, tashqi qarz va uning foizlari esa erkin almashtiriladigan valyutada to'lanadi.

Davlat qarzining darajasi, ya'ni qarz yuki qarz va uning foiz summasi yig'indisini davlat budjeti summasiga nisbati bilan o'lchanadi. Ya'ni to'lov majburiyati budjetning qancha qismiga teng ekanligi bilan belgilanadi. Majburiyatlarning muddati va hajmiga ko'ra davlat qarzi: kapital davlat qarzi - davlatning chiqarilgan va to'lanmagan qarz majburiyatlarining butun summasi, shu jumladan ushbu majburiyatlar bo'yicha to'lanishi kerak bo'lgan hisoblangan foizlar; joriy davlat qarzi - davlatning kreditorlarga daromadlarni to'lash va muddati o'tgan majburiyatlarni to'lash uchun sarflagan xarajatlari shakllarida bo'ladi.

Davlat qarzining kelib chiqishiga favqulodda vaziyatlar (urushlar, terroristik hujumlar, yirik tabiiy ofatlar), zaxira mablag'larining yetarli emasligi, iqtisodiyotning beqarorligi natijasida avtomatik ravishda yuzaga keladigan iqtisodiy tanazzullar, iqtisodiyotdagi inqiroz hodisalari, davlatning iqtisodiyotni rivojlantirishga kiritgan katta sarmoyalari, davlatning ijtimoiy-iqtisodiy siyosati, ijtimoiy o'zgarishlar va shu kabilar sabab bo'lishi mumkin.

Mutlaq ko'rsatkichlarda eng katta davlat qarzi AQShda bo'lib, 28,77 trillion dollarni, Yaponiyada esa YaIMga nisbatan 256,86 foizni tashkil etadi. AQSh Federal G'aznachilik kreditlarining tuzilishi uchta turdagi qarzlardan iborat bo'lib, ularning 33% ini tashqi qarzlardan, 30% ini davlat kompaniyalari oldidagi qarzlardan va 37% ini jismoniy shaxslarga to'lanishi kerak bo'lgan qarzlardan tashkil etadi[4].

Kreditning asosiy qismi obligatsiyalarni chiqarish va sotish orqali amalga oshiriladi, ularni har kim sotib oladi. Qarz qimmatli qog'ozlari barcha mamlakatlar birjalarida sotiladi. Masalan, Rossiya federal kredit obligatsiyalari Moskva birjasida, AQSH xazina obligatsiyalari Nyu-York fond birjasida sotiladi.

Rossiya Markaziy bankining ma'lumotlariga ko'ra, Rossiya Federatsiyasining tashqi qarzi hajmi 2021-yil 1-oktyabr holatiga ko'ra 489,2 milliard dollar yoki 34 973 milliard rublni tashkil etgan(1-jadval)[5].

O'zbekiston davlat qarzi qoldig'i 2022-yilning 1-yanvar holatiga ko'ra, 26,3 mlrd. dollarni yoki YaIMga nisbatan 38,0 foizni tashkil etdi. Bunda davlat tashqi

qarzi 23,6 mlrd dollarga, davlat ichki qarzi esa 2,7 mlrd dollarga teng bo'lgan va 2021-yil davomida davlat qarzi 2,9 mlrd. dollarga o'sgan.

1-jadval

01.10.2021 holatiga ko'ra eng katta davlat qarzi bo'lgan 10 ta davlat[7]

	Mamlakat	Tashqi qarzi miqdori, trln.dollar
1	AQSH	28.77
2	Yaponiya	12.54
3	Xitoy	12.17
4	Fransiya	3.31
5	Buyuk Britaniya	3.27
6	Italiya	3.19
7	Germaniya	2.98
8	Hindiston	2.73
9	Kanada	2.24
10	Ispaniya	1.68

2020-yildan boshlab yangi jalb qilinadigan davlat tashqi qarzi miqdorlarini qonuniy chegaralash amaliyoti yo'lga qo'yilgan. 2022-yil uchun O'zbekiston hukumati nomidan va O'zbekistonning kafolati ostida tashqi qarzlarini jalb qilish bo'yicha yillik imzolananadigan yangi bitimlarning cheklangan hajmi 4,5 mlrd. dollar, O'zbekiston nomidan chiqariladigan davlat qimmatli qog'ozlarining cheklangan sof hajmi 6,0 trln. so'm miqdorida belgilandi. 2021-yilda davlat tashqi qarzi bitimlariga belgilangan limit 5 mlrd.dollar, O'zbekiston nomidan va davlat kafolati ostida imzolangan tashqi qarz bitimlari hajmi esa 4,92 mlrd.dollar miqdorida qilib belgilangan[3].

Davlat qarzining haddan tashqari ortib ketishi iqtisodiyotni izdan chiqaradi, qarzni to'lash uchun zarur pul soliqlarni oshirish orqali to'planishi oqibatida xalq turmush darajasini pasaytiradi, mamlakatdagi iqtisodiy faollikni susaytiradi. Tashqi qarzning ko'payib ketishi milliy mustaqillikka tahdid soladi, undan qutilishi uchun milliy iqtisodiyotni yuksaltirishga ketadigan investitsiyalarni qisqartirish yoki milliy boylikning bir qismini xorijga sotishga ham to'g'ri kelishi mumkin. Davlat qarzining o'sishi quyidagi salbiy oqibatlarga olib keladi:

- tashqi qarzning mavjudligi mamlakat ichida yaratilgan mahsulotning bir qismini chet elga o'tkazishni nazarda tutadi;
- aholi turmush darajasining pasayishiga olib keladi;
- davlat ichki qarzini to'lash vositasi sifatida soliq stavkalarini oshirish ishlab chiqarishni rivojlantirishni iqtisodiy rag'batlantirish samarasini pasaytirishi mumkin;
- mamlakat xalqaro nufuzining pasayishiga olib keladi va boshqalar.

Shu sabablardan ham davlat qarzining mavjudligi uni boshqarish zarurligini bildiradi. Davlat qarzini boshqarish deganda davlatning vakolatli organlari

tomonidan davlat qarziga xizmat ko'rsatish hajmi, tarkibi va xarajatlarini tartibga solish bo'yicha amalga oshiriladigan harakatlar majmui tushuniladi. Davlat qarzini boshqarishning bir qancha usullari mavjud bo'lib, ularga restrukturizatsiya, texnik kredit olish, kredit shartnomasining amal qilish muddatini uzaytirish, konsolidatsiya, konvensiya hamda yillik qarzlarning maksimal hajmini belgilash kabilar kiradi.

O'zbekiston Respublikasida davlat qarzini boshqarishning oliy organi O'zbekiston Respublikasi Oliy majlisi hisoblanadi. Oliy Majlis budget defitsitini moliyalashtirish uchun jalb qilinishi lozim bo'lgan mablag'lar va budget mablag'lari hisobidan kreditlashtirishning maksimal miqdorlarini belgilaydi. U yoki bu ko'rinishdagi qimmatli qog'ozlarni chiqarishning chegaraviy hajmi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan o'rnatiladi. O'zbekiston Respublikasi nomidan davlat qimmatli qog'ozlarining yagona emitenti Moliya vazirligi hisoblanadi va aniqlangan chegaralarda ularning chiqarilish muddatlari va hajmini belgilaydi.

Davlat ichki qarzlariga xizmat qilish bo'yicha bosh vakil funksiyasini mamlakatning Markaziy banki bajaradi. Har bir obligatsiyani chiqarishning emissiyasida barcha yagona va jamlanma sertifikatlar Moliya vazirligi tomonidan saqlash va hisobga olish uchun depozitariyga berilishi kerak. Depozitariy funksiyasini Markaziy bank yoki u tomonidan vakolati belgilangan boshqa tashkilot bajarishi mumkin. Markaziy bank Moliya vazirligining topshirig'iga ko'ra va respublika budgetining mablag'lari hisobidan obligatsiyalarning egalariga bu obligatsiyalar qaytarilayotgan paytda to'lovlarni amalga oshiradi.

Davlat qarzlarini boshqarish mamlakat iqtisodiy o'sishining sur'atlari va sifatiga ta'sir ko'rsatishi mumkin bo'lgan O'zbekiston Respublikasi budget siyosatining muhim qismi hisoblanadi. Shuning uchun ham hozirgi sharoitda davlat qarzlarini boshqarishda aniq bir konsepsiyaga ega bo'lish alohida ahamiyat kasb etadi. Bu konsepsiyada davlat qarzlarini boshqarish hamda pul-kredit siyosati va valyuta siyosati o'rtasidagi bog'liqliklarni, davlat qarzlarining davlat moliya tizimidagi o'rnini, tashqi va ichki davlat qarzlarining bir-birlari bilan bog'liqligini aniqlash muhim ahamiyat kasb etadi. Davlat qarzlarini boshqarish konsepsiyasini ishlab chiqishda eski majburiyatlarni ularning yangilarini jalb etish hisobidan qaytarilishi yetarli darajada xavfli oqibatlariga olib kelishi mumkinligi inobatga olinishi zarur. Shuningdek, davlat qarzlarini tartibga solishning yagona konsepsiyasi ishlab chiqilayotgan paytda bu qarzlar hajmining asossiz ravishda oshirilib yuborilishi iqtisodiy islohotlarni amalga oshirishga ham ta'sir o'tkazishi mumkin.

Davlat qarzini boshqarish doimiy jarayon bo'lib, uch bosqichni o'z ichiga oladi. Birinchi bosqichda navbatdagi budget yili uchun davlat qarzlar va kafolatlarining maksimal hajmi belgilanadi, resurslarni jalb qilish va ulardan foydalanish samaradorligini oshirish vositalari tanlanadi. Ikkinchi bosqichda davlat qimmatli qog'ozlarini chiqarish va joylashtirish, kredit olish yoki davlat kafolatlarini berish yo'li bilan tashqi yoki ichki moliya bozorlariga resurslar jalb qilinadi, so'ngra bu mablag'lar joriy budget xarajatlarini yoki investitsiya loyihalarini moliyalashtirishga yo'naltiriladi. Uchinchi bosqichda davlat qarzini

to'lash va unga xizmat ko'rsatish, umumiy xarajatlarni kamaytirish, qarz majburiyatlarini o'z vaqtida bajarish uchun moliyaviy resurslar manbalarini topish amalga oshiriladi.

Davlat qarzini boshqarish usullarini ma'muriy va moliyaviy usullarga bo'lish mumkin. Ma'muriy usullar davlat hokimiyati va boshqaruvi organlarining alohida buyruqlarini tez va aniq bajarishga asoslanadi, ular iqtisodiy samaradorlik va davlat qarzini boshqarish bo'yicha harakatlar natijalarini baholashni nazarda tutmaydi. Moliyaviy usullar moliyaviy ko'rsatkichlarni tahlil qilish yo'li bilan davlat qarzining to'lanishini ta'minlash usullari va shakllarini tanlashdan iborat bo'lib, ularni to'lash va ularga xizmat ko'rsatish bilan bog'liq minimal xarajatlar bilan jalb qilingan kreditlar samarasini maksimal darajada oshirishga qaratilgan. Shunday qilib, davlat qarzini boshqarish iqtisodiy o'sish, inflyatsiya, kredit foizlari, bandlik, umuman mamlakat iqtisodiyotiga va iqtisodiyotning real sektoriga investitsiyalar hajmiga bevosita ta'sir qiladi.

Davlat obligatsiyalari bo'yicha to'lovlar qimmatli qog'ozlarni chiqarishda belgilangan jadval bo'yicha yakuniy to'lovga qadar amalga oshiriladi. Oltin fond zaxiralariga bo'lgan talab mamlakatning to'lov qobiliyatiga bog'liq bo'lib, bu likvid aktivlarning mavjudligi bilan belgilanadi, masalan:

- oltin zaxirasi;
- zaxira fondlariga joylashtirilgan mablag'lar;
- qimmatbaho toshlar va boshqa qimmatbaho narsalar ko'rinishidagi aktivlar;
- boshqaruv organlarining tijorat banklarida yoki Markaziy bankda joylashtirilgan depozitlari;
- vazirliklar budjetlari;
- boshqa davlatlarning davlat qarzi.

Davlat qarzini to'lashga yordam beradigan chora-tadbirlar tashqi va ichki kreditlarni qaytarish; kafolatlar berish; berilgan kreditlar shartlarini o'zgartirish; yangi davlat qarz majburiyatlarini chiqarish va joylashtirish shartlarini belgilash va boshqalardan iborat hisoblanadi.

Qarz majburiyatlari kreditning aniq shartlari bilan belgilanadigan va 30 yildan oshmasligi kerak bo'lgan muddatlarda to'lanadi[6]. Muomalaga chiqarilgan davlat ssudasining shartlarini, shu jumladan to'lash shartlarini va foizlarni to'lash miqdorini, muomalada bo'lish muddatini o'zgartirishga yo'l qo'yilmaydi. Davlat qarzini to'lashning asosiy manbalari bo'lib, davlat budjeti daromadlari va zaxira fondi mablag'lari hisoblanadi. Davlat qarzining miqdori ham muhim ahamiyatga ega bo'lib, davlat qarzining mamlakat iqtisodiyoti faoliyatiga ta'sir darajasini aniqlash asosiy masalalardan biridir. Davlat qarzi mamlakatdagi ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarga ijobiy va salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin.

Davlat qarzining noqulay dinamikasi, unga xizmat ko'rsatish bilan bog'liq katta xarajatlar tufayli ko'plab iqtisodchilarni mamlakatimiz moliya tizimida yuzaga kelgan muammoning yechimini izlash va chuqur izlanishlar olib borishga majbur qildi. Darhaqiqat, davlat qarzining to'lanmaganligi mamlakatning normal iqtisodiy rivojlanishiga to'sqinlik qiluvchi omillardan biridir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Moliya vazirligining «O'zbekiston Respublikasi davlat qarzi holati va dinamikasi sharhi».
2. I.N.Qo'ziyev, Sh.V.G'aniyev, A.S.Ramazanov. "Budjet hisobi va nazorati". TMI. Darslik. Toshkent. 2022.
3. <https://review.uz/uz/post/ozbekistonning-davlat-qarzi-yaimga-nisbati-barqarorlashdi>
4. <https://moneymakerfactory.ru/spravochnik/gosudarstvennyiy-dolg/>
5. <https://www.kommersant.ru/doc/5030229>
6. <http://newinspire.ru/lektsii-po-finansam/ponyatie-sostav-klassifikatsiya-formi-i-rol-gosudarstvennogo-dolga-1455>
7. Jahon bankining rasmiy sayti imf.org

УДК: 330.82

ИЖТИМОЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА РАЗВИТИЕ СОЦИАЛЬНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА И ЕГО ХАРАКТЕРИСТИКИ

FACTORS AFFECTING THE DEVELOPMENT OF SOCIAL ENTREPRENEURSHIP AND ITS CHARACTERISTICS

KIM SUN SUK - ЎЗМУ мустақил изланувчиси

Аннотация

Мақолада ижтимоий тадбиркорликнинг моҳияти, зарурлиги, ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш механизми тавсифланган. Бундан ташқари, ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун шарт-шароитлар ҳамда ижтимоий тадбиркорликни иқтисодиётдаги ривожланиш тенденцияларига таъсири ўрганилган. Шунингдек, ижтимоий тадбиркорликни ривожлантиришга таъсир қилувчи омилларнинг моҳияти очиқ берилган.

Калим сўзлар: *ижтимоий, тадбиркорлик, ижтимоий тадбиркорлик, бизнес, ижтимоий бизнес, бизнес самарасининг барқарорлиги, ижтимоий соҳа*

В статье описаны сущность и необходимость социального предпринимательства, механизм организации деятельности социального предпринимательства. Кроме того, были изучены условия развития социального предпринимательства и влияние социального предпринимательства на тенденции развития экономики. Также раскрывается


характер факторов, влияющих на развитие социального предпринимательства.

Ключевые слова: социальное, предпринимательство, социальное предпринимательство, бизнес, социальный бизнес, устойчивость деятельности бизнеса, социальная сфера.

The article describes the essence and necessity of social entrepreneurship, the mechanism for organizing the activities of social entrepreneurship. In addition, the conditions for the development of social entrepreneurship and the impact of social entrepreneurship on economic development trends were studied. The nature of the factors influencing the development of social entrepreneurship is also revealed.

Key words: social, entrepreneurship, social entrepreneurship, business, social business, business sustainability, social sphere.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни юритиш амалиёти ҳар доим ҳам ижтимоий соҳа билан узвий алоқадорликда амалга оширилмаслиги барчага маълум. Ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим шарти - бу ушбу фаолиятнинг ижтимоий натижаси мамлакатдаги иқтисодий самарадорликка қаратилганлиги билан изоҳланади. Ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали мамлакатда, аввал, миллий иқтисодиётда фойдаланилмаган турли ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятлари кўлга киритилади. Бунда асосан меҳнат ресурслари имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш назарда тутилади.



1-расм. Ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш механизми[1]

Шу ўринда С.М. Сафаровнинг илмий тадқиқотлари натижаларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Унинг фикрича, «ижтимоий тадбиркорлик фаолияти хусусий сектор ва ижтимоий соҳанинг ўзаро кесишган нуқтасида ташкил этилади»[1]. Олим изланишларида, ижтимоий тадбиркорлик фаолияти жамият аъзолари томонидан амалга ошириладиган ҳайрия ишлари билан тадбиркорлик фаолиятининг ўзаро аралашуви

натижасида ташкил топиши тўғрисида, қатор илмий қарашлар мавжудлиги билан аввалги тадқиқотлардан фарқланади (1-расмга қаранг).

Шу билан биргаликда, Буюк Британиянинг Ҳайрия ёрдам фонди (Charities Aid Foundation - CAF) томонидан халқаро миқёсда амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, жаҳон амалиётида ижтимоий тадбиркорликнинг турли ҳайрия ва грантларга йўналтирилган субъектларидан тортиб, соф тижоратга ихтисослашган шакллари мавжуд. Тараққий этган мамлакатлар амалиётида ижтимоий тадбиркорлик субъектлари фаолияти мамлакатдаги ижтимоий жиҳатдан муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашда турли халқаро грантлар ва ҳайрия маблағларидан фойдаланган ҳолда, жамият ҳаётидаги ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган бўлса, аксарият бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатларда эса ижтимоий тадбиркорлик асосан тижорат мақсадида ташкил этилганлиги билан характерланади[2]. Шу сабабли ҳам тараққий этган мамлакатларда ижтимоий тадбиркорлик субъектлари фаолияти, бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар амалиётига нисбатан сезиларли даражада самарали эканлиги, кўп бора халқаро экспертлар томонидан эътироф этилган.



2-расм. Ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш шарт-шароитлари[2]

Буюк Британиянинг Хайрия ёрдам фонди (Charities Aid Foundation - CAF) томонидан ўтказилган тадқиқотлари натижаларига асосланган ҳолда, мамлакатда ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш шарт-шароитларини 2-расмда келтириб ўтдик. Таҳлилларга кўра, жаҳон амалиётида ижтимоий тадбиркорликни ривожлантиришда хайрия ишлари фақатгина ушбу субъектлар фаолиятини молиялаштириш учун қўлланилиши ҳолатлари учраб турганлиги сабабли, фақатгина бир томонлама самарали бўлиш эҳтимоли юқори бўлган ҳолат сифатида баҳоланади. Бунда ижтимоий тадбиркорлик субъектлари томонидан хайрия фондлари ёки жисмоний шахслар томонидан, ушбу корхонага йўналтирилган хайрия маблағларига мос бўлган ижтимоий хизматлар кўрсатилиши ва бунда корхонанинг тижорат мақсадига устуворлик қаратилганлиги бир томонлама самарадорликни кучайтириб юбориши инобатга олинган.

Умумий ҳолда, ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ривожланишида тижорат мақсади устувор бўлмаслиги талаб этилади. Агарда мамлакатда тижорат мақсади устувор бўлган ижтимоий тадбиркорлик субъектлари фаолияти ривожлана бошласа, у ҳолда бу мамлакатда ижтимоий тадбиркорлик эмас, балки тадбиркорлик фаолияти ривожланаяпти, деган хулосага келиш мумкин бўлади.

“Корея ҳукумати оммавий ишсизлик даражасининг кескин ортиши ва фуқароларнинг кун кечириши тобора ёмонлашиб қолган паллада оқилона ёндашгани бугунгача ўз сўзини айтиб келмоқда. Бунда 10 йиллик тажриба асосида 2007 йилга келиб, “Ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган соҳа ривожига янги нафас берганини ҳам айтиш жоиз. Зеро, дунё миқёсида “ижтимоий тадбиркорлик”нинг ягона таърифи (хатто бугунги кунга қадар) мавжуд бўлмаган ҳолатда, Корея бу қонун билан янги босқичга кўтарилди.

Айни пайтда Жанубий Кореяда давлат миқёсида ижтимоий корхоналарни қўллаб-қувватлаш агентлиги ва Ижтимоий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси фаолият олиб бормоқда. Бу эса, мунтазам равишда соҳани такомиллаштириш ва унда учраётган муаммоларни ўз вақтидан кечиктирмай бартараф этиш имконини беради”[12].

“Айнан 2007 йилда мамлакат ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 71,5 фоизни ташкил этди. Бунда ижтимоий тадбиркорликнинг ўрни катта албатта. 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, Жанубий Кореяда иш ҳақи 7,47 АҚШ долларига тенг. Эътиборлиси, алоҳида “Тижорат кодекси” ишлаб чиққан давлатда бу кунлик эмас, бир соатга тўланадиган ҳақ. 1963 йилда аҳолининг ЯИМ бўйича харид қобилияти паритети 100 \$ бўлган ва бу кўрсаткич 2014 йилга келиб, 35 000 \$ га кўтарилган, бугунги кунда аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи кичик бизнесда ишлаётган давлат тажрибаси, шу тариқа ўрганиш ва маҳаллий талаб ҳамда шароитдан келиб чиқиб, ўзимизда қўллашга арзийди, назаримизда. Айниқса, ишлаб чиқиладиган қонун лойиҳасида ижтимоий хизматлар тури, тартиби, аввало аҳолининг заиф қатламлари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар аъзоларини, жумладан ногиронлиги бор шахсларни доимий иш ўрни билан

таъминлаганларга қўлланадиган преференция ва имтиёзлар каби муҳим жиҳатларни алоҳида инобатга олиш лозим” [1].

Жаҳон амалиёти таҳлилига кўра, ижтимоий тадбиркорлик фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати, улар корхона соф фойдасини маълум бир қисмини хайрияга йўналтираётганлигида намоён бўлади.

Иқтисодий адабиётларда мамлакатдаги молиявий, ташкилий, ижтимоий ва экологик барқарорликни таъминлашда ижтимоий тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этиши тўғрисида кўплаб илмий қарашлар шаклланган. Жумладан, Ж.Г. Дийс, Р.Л. Мартин, Ж. Аустин, Ж. Мэйр[3; 4; 5; 6;] кабиларнинг илмий тадқиқотлари натижаларида шу каби ўзаро ўхшаш хулосалар олинган. Улар қуйидагилардан иборат:

- глобал ижтимоий муаммоларга қарши курашишнинг замонавий шакли;

- ижтимоий соҳанинг тадбиркорлик фаолияти билан ўзаро уйғунлашуви;

- тадбиркорлик субъектлари томонидан ижтимоий мажбуриятларнинг бажарилиши;

- жамият аъзолари билан хусусий сектор, яъни тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ижтимоий жавобгарлик бўйича ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг интеграциялашуви;

- ижтимоий манфаатларнинг иқтисодий манфаатлардан кўра устун қўйилиши;

- давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро ижтимоий ҳамкорлик муносабатларининг янги босқичга ўтиши маҳсули ва ҳ.к.

Мамлакатда ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, нафақат, жамият ҳаётидаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, балки, иқтисодий соҳадаги ижобий ривожланишга эришиш имконини беради. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин бўлади:

- мамлакат иқтисодиётида ижтимоий инновациялардан фойдаланишнинг кенгайиши[6];

- ижтимоий тадбиркорлик билан тадбиркорлик фаолияти чегараларининг ўзаро ажратилиши натижасида мамлакат иқтисодиётининг янги бир мустақил соҳасининг ривожланиши[7];

- мамлакатда камбағаллик даражасини камайтиришнинг самарали механизмини шакллантириш ва аҳолининг қўшимча даромад олиш имкониятларини кенгайтириш[8];

- ижтимоий тадбиркорликни мамлакат ижтимоий барқарорлигининг «драйвери»га айланиши[9];

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари билан хусусий сектор, яъни ижтимоий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги интеграцион муносабатларнинг кучайиши[10];

Шу билан биргаликда, иқтисодий адабиётда ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тадқиқотларни таҳлил қилиш асосида ушбу хўжалик юритиш соҳаси учун хос бўлган қуйидаги тамойилларнинг мавжудлиги аниқланди[6]:

- ижтимоий йўналтирилганлик – бунда ижтимоий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилганлиги назарда тутилади. Жумладан, ижтимоий тадбиркорлик субъектлари томонидан аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий хизматларнинг аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламлари учун имтиёзли нархларда амалга оширилиши, мазкур хўжалик юритиш шаклида жамиятнинг ижтимоий манфаатлари устувор аҳамият касб этганлиги билан изоҳланади;

- адолатлилик – бунда ижтимоий тадбиркорлик субъектлари томонидан аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишда барча истеъмолчиларга уларни келиб чиқиши, миллати, этники, қадрияти, оилавий ва ижтимоий ҳолатларидан қатъий назар бирдек хизмат кўрсатилиши назарда тутилади;

- тенглилик – мазкур тамойил ижтимоий тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган ижтимоий хизматлардан, барча аҳоли гуруҳлари бирдек фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилади. Айрим иқтисодчи олимлар томонидан ушбу тамойил «тенг ҳуқуқлилик» тамойили, деб ҳам аталади;

- кенг қамровлилик – бунда ижтимоий тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган ижтимоий хизматларнинг қамров даражасини оширишга бўлган интилишларининг мавжудлиги эътиборга олинади. Ушбу тамойил юқорида келтирилган «адолатлилик» ва «тенглилик» тамойилларини тўлдирувчи тамойил ҳисобланади;

- аниқ мақсадга йўналтирилганлик – мазкур тамойил ижтимоий тадбиркорлик субъектларининг жамият ҳаётидаги маълум бир йўналишдаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилганлиги билан изоҳланади. Айрим тадқиқотларда ушбу тамойил «манзиллилик» тамойили, деб ҳам аталади.

- яратувчанлик тамойили – бунда ижтимоий тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик фаолиятига хос бўлган хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг ижтимоий муаммоларни ҳал этишга бўлган янгича ёндашувлар ва уларни ҳал этиш усуллари амалиётга жорий этишга бўлган интилишлари инобатга олинади. Мазкур тамойилнинг амал қилиш самарадорлиги ижтимоий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалиётга татбиқ этилаётган ижтимоий инновациялар ва корхоналарнинг инновацион фаоллиги кўрсаткичлари орқали баҳоланади;

- мослашувчанлик – ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг авж олиши шароитида жамият ҳаётидаги мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишда, ижтимоий тадбиркорлик субъектларининг тезкорлик билан мослашувчанлиги назарда тутилади.

Ижтимоий тадбиркорликни ривожлантиришнинг жаҳон амалиёти таҳлилига кўра, ҳар бир мамлакат ижтимоий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш имкониятлари турлича. Жумладан, ижтимоий тадбиркорликни ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади[12]: ижтимоий демографик, иқтисодий, молиявий, экологик, меъёрий ҳуқуқий, ижтимоий ҳимоя тизими, институционал, сиёсий, инфратузилма.

- ижтимоий-демографик омиллар қаторига мамлакат аҳолисининг сони, уларнинг ёши ва жинси бўйича таркиби, аҳоли ижтимоий гуруҳлари ва уларнинг турмуш шарт-шароитлари, миграцион жараёнлар, мамлакатдаги мавжуд ижтимоий муаммолар ва уларнинг ҳолати қабила киради;

- иқтисодий омиллар – бунда мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари, мамлакат иқтисодиётида тадбиркорликни, жумладан, ижтимоий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари инобатга олинади;

- молиявий омиллар – бунда ижтимоий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш мақсадида давлат томонидан ажратилаётган субсидиялар, дотациялар, тижорат банклари томонидан ушбу соҳани кредитлаш шартлари, соҳага маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳолати, ижтимоий тадбиркорлик субъектларининг молиявий имкониятлари назарда тутилади;

- ижтимоий ҳимоя тизими билан боғлиқ омиллар – бунда мамлакатда амал қилаётган ижтимоий ҳимоя тизими ва унинг самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Яъни ижтимоий ҳимоя тизими ҳал эта олаётган ёки ҳал эта олмаётган ижтимоий муаммоларнинг турлари ва уларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда, тегишли соҳаларда ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш зарурияти ортади. Аксарият ҳолатларда мамлакат ижтимоий ҳимоя тизими ҳал эта олмаётган соҳаларда ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш юқори самарага эришиш имконини беради;

- меъёрий-ҳуқуқий омиллар – мамлакатда ижтимоий тадбиркорлик фаолияти, жумладан, ижтимоий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш, ушбу соҳада ҳўжалик фаолияти юритишга оид бўлган меърий-ҳуқуқий нормаларнинг ишлаб чиқилганлиги;

- экологик омиллар – ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, нафақат, ижтимоий, балки, атроф-муҳит, экологик шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли экологик омиллар ҳам маълум бир даражада ушбу соҳани ривожлантиришга таъсир кўрсатади;

- институционал омиллар – мазкур омиллар мамлакатда ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида фаолият юритаётган давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари каби ташкилотлар билан ижтимоий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар самарадорлигига таъсир кўрсатади;

- сиёсий – мамлакатдаги сиёсий ҳолат нафақат ижтимоий тадбиркорлик, балки ҳар қандай соҳани ривожланишига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланади;

- инфратузилма билан боғлиқ омиллар – ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда мамлакатдаги нафақат ижтимоий, балки иқтисодий инфратузилманинг ривожланганлик ҳолати муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, мамлакатда ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, бозор иқтисодиёти

шароитида жамият ҳаётидаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш самарадорлигини ошириш имкониятларини кенгайтиради. Шу билан биргаликда, мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишга инновацион ёндашувнинг кучайишига олиб келади.

Жумладан, мамлакатда давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини бажариш мажбуриятларининг босқичма-босқич, давлат-хусусий шериклик механизми асосида хусусий сектор вакилларига ўтказиб борилиши натижасида, замонавий аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини шаклланишига етарли даражада шарт-шароитлар яратади. Пировард натижада мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги таъминланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сафаров С.М. Основы социального предпринимательства: учебное пособие. 2-е изд. испр. и доп. Иваново: Издательство «Роща», 2021. – 212 с.
2. Financing Civil Society: A practitioner's view of the UK social investment marker. Venturesome. CAF. September 2008. 35 p.
3. Dees, J.G. and Battle Anderson, B. (2006) Framing a theory of entrepreneurship: Building on two schools of practice and thought. ARNOVA Occasional Paper Series: Research on Social Entrepreneurship: Understanding and Contributing to an Emerging Field, 1 (3), pp. 39-66;
4. Martin, R.L. and Osberg, S. (2007). Social entrepreneurship: the case for definition. Stanford Social Innovation Review, 5 (2), pp. 28-39;
5. Austin, J., Stevenson, H. and Wei-Skillern, J. (2006). Social and commercial entrepreneurship: Same, different, or both? Entrepreneurship Theory and Practice, 30 (1), pp. 1-22;
6. Mair, J. and Marti, I. (2006) Social Entrepreneurship Research: A Source of Explanation, Prediction, and Delight. World Business Journal, 41 (1), pp. 36-44
7. Беспалый С.В. (2020) Социальное предпринимательство и его роль в социальном воздействии на общество. Grand Altai Research & Education, 1, pp. 33-41
8. Peredo, A.M. and McLean, M. (2006) Social entrepreneurship: a critical review of the concept. World Business Journal, 41 (1), pp. 56-65
9. Nyssens, M. and Defourny, J. (2010). Conceptions of Social Enterprise and Social Entrepreneurship in Europe and the United States: Convergences and Divergences. Journal of Social Entrepreneurship, 11, pp. 32-53.
10. Hemingway, C. and MacLagan, P. (2004) Personal values of managers as drivers of corporate social responsibility. Journal of Business Ethics, 50, pp. 33-44
11. Nyssens, M. and Defourny, J. (2010). Conceptions of Social Enterprise and Social Entrepreneurship in Europe and the United States: Convergences and Divergences. Journal of Social Entrepreneurship, 11, pp. 32-53.
12. Swanson, L.A. and Zhang, D. (2010). The Social Entrepreneurship Zone. Journal of Nonprofit & Public. Sector Marketing, 22 (2), pp. 71-88;
13. <https://strategy.uz/index.php?news=882>

**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА САНОАТ
КОРХОНАЛАРИНИНГ РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ОШИРИШ**

**ПОВЫШЕНИЕ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ПРОМЫШЛЕННЫХ
ПРЕДПРИЯТИЙ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ**

**INCREASING THE COMPETITIVENESS OF INDUSTRIAL
ENTERPRISES IN THE DIGITAL ECONOMY**

**Тошкент давлат техника университети
PhD Матчонова Феруза Абадовна**

Аннотация

Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида саноат корхоналарининг рақобатдошлигини ошириш ёритилган. Республикада энгил саноат асосий ривожланган саноат ҳисобланади. Тўқимачилик саноатини инновацион салоҳият таҳлил қилиш схемаси ва тўқимачилик саноати билан ахборот коммуникация технологиялари ўртасидаги муносабатлар, корхоналар рақобатбардошлиги кўрилган ва таклифлар берилган.

Калим сўзлар: *жаҳон иқтисодиёти, глобллашув, илм-фан, техника имкониятлари, тўқимачилик тармоғи, тўқимачилик корхонаси, барқарор ривожланиш, инвестиция, инновация, экспорт, импорт, рақобат, молия, бозор.*

В статье рассматриваются конкурентноспособность промышленных предприятий в условиях цифровой экономики. В республике текстильная промышленность является основной развитой отраслью. Анализированы инновационное развитие текстильной промышленности, взаимосвязь текстильной промышленности с информационно-коммуникационной технологией, рассмотрена конкурентоспособность текстильных предприятий и даны предложения по ее повышению.

Ключевые слова: *мировая экономика, глобализация, наука, технические возможности, текстильная отрасль, текстильные предприятия, стабильность, развитие, инвестиция, инновация, экспорт, импорт, конкуренция, финансы, рынок.*

In the article, in a market economy, the competitiveness of an industrial enterprise is considered. In the republic, the textile industry is the main developing industry. The innovative development of the textile industry, the relationship of the textile industry with information and communication technologies are analyzed, the competition of enterprises is considered and the author's thoughts are proposed.

Keywords: world economy, globalization, science, technical capabilities, textile industry, textile enterprises, stability, development, investment, innovation, export, import, competition, finance, market.

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув ва рақамлаштириш жараёнларининг жадал суръатларда ривожланиши, саноат корхоналарида инновацион маҳсулотлар турларини кенгайтириш, уларнинг рақобатбардошлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жаҳон банкининг тадқиқотларига кўра «2020 йилда иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда ахборот-коммуникация технологияларини саноат корхоналарига жорий қилиниши ва Интернетдан фойдаланувчилар сонининг кўпайиши ҳисобига 2017 йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми 15%га, ЯИМнинг ўртача ўсиши 3-3,9%га, аҳоли жон бошига даромадлар эса 7,2% га ошган»[1]. Бугунги кунда саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий бозор усулларида бири сифатида соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, долзарб муаммо сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари ва 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистон енгил саноати етакчи ва жадал ривожланаётган тармоқлардан биридир. Сўнгги йилларда саноатнинг йиллик ўсиши тахминан 18%, экспорт эса 10% га ўсди. Статистикага кўра, тўқимачилик маҳсулотларининг ишлаб чиқариш сектори таркибидаги улуши 2020 йил январь ойида 14,2% ни ташкил этиб, жисмоний ҳажм индекси 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 2% га ўсди. 2021 йилнинг январь ойида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 16,4% ни ташкил этиб, ишлаб чиқариш индексининг 12,4% га ўсиши 3354,6 миллиард сўмни ташкил этди.

1-жадвал


Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг йиллик қуввати[4]

Тўқимачилик маҳсулотининг номланиши	Миқдори
Пахта ипи	705 минг тонна
Тўқимачилик мато	1,2 млрд. квадрат метр
Трикотаж мато	141 минг тонна
Якуний маҳсулот	680 млн. дона
Трикотаж	132 миллион жуфт

Ўзбекистон бугунги кунда дунёдаги энг йирик тўқимачилик толалари, пахта иплари ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларидан бири ҳисобланади. Республикада 2019-2021 йилларда 7000 дан ортиқ тўқимачилик корхоналари фаолият кўрсатмоқда, уларнинг йиллик қуввати 1-жадвалда келтирилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, саноатнинг барқарор ривожланиши самарали молиявий инвестицияларсиз, шу жумладан ташқи тўғридан-тўғри инвестициялар ва ички захираларсиз амалга оширилмайди. Муаллиф томонидан энгил саноат корхоналарининг инвестицион салоҳияти таҳлил қилинди (1-расм).

Сўнгги ўн беш йил ичида миллий иқтисодиётнинг тўқимачилик секторига 300 та инвестиция лойиҳаси доирасида 2,5 миллиард доллардан ортиқ, шу жумладан сўнгги уч йилда 575,3 миллион доллар жалб қилинди.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноатининг инвестицион салоҳиятини таҳлил қилиш схемаси ¹

Хитой, Жанубий Корея, Швейцария, Сингапур, Германия, Ҳиндистон ва Туркия каби мамлакатларга жалб қилинган халқаро инвестицияларнинг 80% дан ортиғи тўғри келди. Агар 2016 йилда инвестициялар 190 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2019 йил охирига келиб, уларнинг ҳажми 2,5 баравар 473,9 миллион долларга ошди.

Тўқимачилик саноатини экспорт қилиш соҳасидаги асосий ривожланиш тенденциялари ҳақида гапирадиган бўлсак, 2-жадвалда

¹ Муаллиф томонидан тузилган.

келтирилган маълумотларга кўра, Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларининг экспорт ҳажми сўнгги 5 йил ичида ортиб бормоқда, деган хулосага келишимиз мумкин. Экспорт қилинган тўқимачилик маҳсулотлари ҳажми 63% дан 1 146,5 миллион АҚШ долларида 1 868,5 миллион АҚШ долларига ошди.

Енгил саноатни янада ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда сифатли ўзгаришларни таъминлайдиган ислохотлар амалга оширилмоқда.

2-жадвал

Ўзбекистонда тўқимачилик маҳсулотлари экспорти динамикаси[4]

№	Кўрсаткичнинг номи	Ўлчов бирлиги		2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
III	Экспорт	млн.долл.		1.146.5	1.169.0	1.302.3	1.541.3	1.868.4	
1	Пахта иплари	минг. тонн	миқдор	184.9	207.7	282.3	381.1	455.4	433.3
			сумма	414.3	529.1	725.0	880.9	947.3	1.018.3
2	Пахта матолари	млн.кв.м	миқдор	42.8	86.8	184.5	215.5	296.5	349.1
			сумма	28.9	39.5	75.4	73.8	103.9	153.6
3	Трикотаж мато	минг. тонн	миқдор	14.1	10.8	16.2	20.4	33.2	41.5
			сумма	54.1	43.1	63.0	79.3	139.5	158.0
4	Тикув ва трикотаж маҳсулотлари	млн.долл.	миқдор						
			сумма	164.5	354.9	424.8	486.3	648.0	1.428.2
5	Пайпоқ маҳсулотлари	млн.долл.	миқдор	1.0	2.9	47.0	74.6	119.8	166.9
			сумма	0.3	0.9	14.1	21.2	29.8	43.1
6	Хом ипак иплар	тонн	миқдор	515.2	558.2				
			сумма	18.9	19.1				
7	СКВ учун маҳаллий материаллар	млн.долл	миқдор						
			сумма	465.4	182.3				


Хусусан, эски йигирув фабрикалари ўрнига замонавий технологиялар билан жиҳозланган хорижий ва қўшма корхоналар келмоқда. Кўплаб саноат тармоқлари жаҳон даражасидаги рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун модернизация қилинди. Ишлаб чиқариш занжирини кластерли бошқаришга ўтиш ушбу моделнинг самарадорлигини намоён этди, чунки бу пахта-тўқимачилик бирлашмаларининг ўсишини тезлаштирди. Агар 2017 йилда фақат битта кластер ишлаган бўлса, 2020 йилга келиб уларнинг сони 95 тага кўпайди.

Тўқимачилик корхоналари фаолиятига «Big data» (катта маълумотлар базалари), «Интернет вещей», блокчейн, сунъий ақл, рақамлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларидан фойдаланиш каби глобал рақамли технологияларни жорий этиш зарур. Ҳиндистон, Хитой, Исроил ва бошқа қатор мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатдики, иқтисодиётнинг барча соҳаларида АКТнинг жадал ўсиши мамлакатларга рақобатбардошлигини

ошириш ва рейтинг нарвонларини юқори даражага кўтаришга ёрдам беради (масалан, Ҳиндистон 50 дан 35 ўринга, Исроил 29 дан 17 га кўтарилди)[3].

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, рақобатнинг кучайиши туфайли компаниялар таъминот занжирларини бошқаришни яхшилаш учун ахборот технологияларидан фойдаланадилар (ингл.: Supply Chain Management - SCM) ва улардан рақобат афзаллиги сифатида фойдаланилади. Бошқача айтганда, кўплаб тўқимачилик компаниялари ўз бизнесининг қийматини ошириш учун технологик имкониятлардан фойдаланадилар.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, тўқимачилик корхонасининг самарали фаолияти ва корхонада АКТдан фойдаланиш даражаси ўртасидаги муносабатни ўрганиб чиқамиз (2-расм).



2-расм. Тўқимачилик саноати ва АТ ўртасидаги муносабатлар ²

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, регрессия таҳлили ва прогнозлаш ҳар қандай саноатнинг рақобатбардошлигига таъсир қилувчи омилларни баҳолашда энг яхши ёндашувлардан бири ҳисобланади.

Прогнозлаш регрессияси усули, қарам ва мустақил ўзгарувчилар деб номланувчи икки хил ўзгарувчининг ўзаро боғлиқлигини ўрганишни ўз ичига олади. Ўзгарувчилар ўртасидаги муносабатни баҳолаш учун муаллиф 20 та тўқимачилик корхоналарида таҳлилий сўров ўтказди.

Тадқиқотда 4 та корхонанинг статистик маълумотлари бевосита ишлатилган. Булар «AMUDARYOTEX» МЧЖ, «Kuvatekstil» МЧЖ, «Art Soft Tex» МЧЖ, «Nortex» МЧЖ ҳисобланади. Сўнгги 4 йил ичида маълумотлар олинган ва уларнинг асосида регрессион таҳлилимиз учун маълумотлар базаси ишлаб чиқилган.

Мустақил молиявий омиллар сифатида қуйидагилар кўриб чиқилди:

1. молиявий ричаг: умумий қарзнинг умумий капиталга нисбати бўлиб, у қарз маблағларининг капитал маблағларига нисбатан неча марта берилганлигини кўрсатади;

2. ишлаб чиқариш активлари: асосий воситаларнинг умумий миқдори активларнинг умумий миқдорига нисбати кўриб чиқилди, бу эса

² Муаллиф тадқиқотлари.

активларнинг умумий таркибида ишлаб чиқариш активларининг улушини таъминлади;

3. ликвидлик: жорий активларнинг жорий мажбуриятларга нисбати, бу фирма фавқулодда молиявий мажбуриятни неча марта тўлашга кодирлигини кўрсатди;

4. инвестициялар: умумий инвестицияларнинг умумий активларга нисбати, бу ликвидликни таъминлайдиган умумий активлар таркибидаги инвестициялар фоизини кўрсатди ва даромад оқимини оптималлаштирди;

5. фирма ҳажми: умумий активларнинг логарифмаси компаниянинг бизнес ҳажми ҳақида маълумот беради. Юқори харажат фирманинг катта активлар базасига эга эканлигини англатади, бу фирма томонидан амалга оширилган йирик бизнес операцияларининг далилидир.

Мустақил омиллар:

1. бозор улуши: соф умумий савдо логарифмаси бозор маълумотларини акс эттиради. Юқори харажат компаниянинг рақобатчиларига нисбатан кўпроқ бозор улушига эга эканлигини англатади.

2. экспорт: экспорт учун хаёлий ўзгарувчи ишлатилган (dummy variable). Активларнинг рентабеллигида экспорт улушини баҳолаш учун биз ўз маҳсулотларини экспорт қиладиган компанияларга «1» қийматини ва экспорт қилмайдиган компанияларга «0» қийматини берамиз. Шунинг учун, агар ушбу ўзгарувчи статистик аҳамиятга эга бўлса, унда компаниялар ўз маҳсулотларини экспорт қилиш учун фойдалидир, чунки улар активларнинг рентабеллигини оширадilar.

3. АКТдан фойдаланиш: ушбу ўзгарувчи ишлаб чиқаришда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш даражасини кўрсатади. Лайкерт шкаласи бўйича 1 дан 7 гача бўлган сўров натижаларига кўра ўлчанади.

Боғлиқ омиллар: соф солиқдан олдинги фойданинг активларнинг умумий миқдорига нисбати ишлатилган, бу эса компаниянинг умумий активлар ва активларнинг даромадлилигини қанчалик самарали ишлатганлиги ҳақида маълумот берди. Ушбу коэффициентнинг қиймати компаниянинг рентабеллигини рақобатбардошлик кўрсаткичи сифатида кўрсатади.

Регрессия модели³:

$$ROA = \beta_0 + \beta_1 FinLev + \beta_2 ProAsset + \beta_3 Liquidity + \beta_4 Inv + \beta_5 FirmSize + \beta_6 MarShare + \beta_7 Exporting + \beta_8 ITUsage \quad (1)$$

асосида АТ («AMUDARYOTEX» МЧЖ, «Kuvatekstil» МЧЖ, «Art Soft Tex» МЧЖ, «Nortex» МЧЖ) дан фойдаланган ҳолда тўқимачилик саноати корхоналарининг рақобатбардошлигини эконометрик таҳлил қилинди. Ушбу корхоналарнинг рақобатбардошлигини эконометрик таҳлил қилиш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

³ Муаллиф томонидан тузилган.

Саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини эконометрик таҳлил қилиш учун муаллиф 16 та кузатув ўтказди (юқоридаги компанияларнинг ҳар бирининг 4 йиллик кўрсаткичлари ўрганилди). Активлар рентабеллиги, молиявий унсур, ишлаб чиқариш активи, ликвидлик, инвестициялар, фирма ҳажми, бозор улуши, экспорт, АКТдан фойдаланиш каби умумий ўзгарувчилар кўриб чиқилди. Уларнинг ўртача қиймати иккинчи устунда акс эттирилган, стандарт оғиш 3 устунда, минимал ва максимал қийматлар мос равишда 4 ва 5 да.

3-жадвал

Тўқимачилик саноати корхоналарининг рақобатбардошлиги омилларининг тавсифий статистикаси ⁴

Ўзгарувчилар	Obs	Mean	Std. Dev.	Min	Max
Активларнинг рентабеллиги	16	0.385	0.0794145	0.27	0.51
Молиявий ричаг	16	0.601875	0.0943199	0.45	0.8
Ишлаб чиқариш активи	16	0.61	0.0832666	0.44	0.72
Ликвидлик	16	1.119375	0.3537507	0.6	1.74
Инвестиция	16	0.578125	0.120345	0.3	0.78
Компания ҳажми	16	7.463125	0.621908	6.1	8.3
Бозор улуши	16	7.82375	1.518139	5.1	9.4
Экспорт	16	0.4375	0.5123475	0	1
АКТдан фойдаланиш	16	6.25	0.7745967	5	7

Регрессия таҳлилининг асосий мақсади ҳар бир мустақил ўзгарувчи ва қарам ўзгарувчининг ўзаро боғлиқлигини ажратишдир. Регрессия коэффицентнинг талқини шундаки, у бошқа барча мустақил ўзгарувчилар доимий бўлиб қолганда, мустақил ўзгарувчининг ўзгаришининг ҳар бир бирлиги учун қарам ўзгарувчининг ўртача ўзгаришини англатади. Ушбу охирги қисм мультиколлинеарликни аниқлаш учун жуда муҳимдир.

Корреляция -1 дан +1 гача бўлиши керак, агар у -1 га яқин бўлса, бу ўзгарувчилар орасидаги салбий алоқанинг мавжудлигини кўрсатади, агар у +1 га яқин бўлса, бу ўзаро яқин ижобий алоқанинг мавжудлигини кўрсатади. Агар корреляция коэффиценти юқори бўлса, натижа ўзгариши мумкин, шу сабабли корреляция коэффиценти юқори бўлган тақдирда, ўзгарувчилар

⁴ STATA дастуридан фойдаланган ҳолда муаллифнинг ҳисоб-китоблари.

бирма-бир ишлатилади, яъни регрессион таҳлилимизда турли хил моделлардан фойдаланишимиз мумкин бўлади. Шунинг учун биз 3 хил модели кўриб чиқамиз. Регрессион таҳлил натижаларига кўра (4-жадвал) қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

4-жадвал

Регрессия натижалари ⁵

	(1)	(2)	3
VARIABLES	Модел 1	Модел 2	Модел 3
Молиявий ричаг	1.031***	0.970***	1.047***
	(0.268)	(0.155)	(0.260)
Ишлаб чиқариш активи	0.114	0.112	
	(0.156)	(0.146)	
Ликвидлик	0.0140		0.0132
	(0.0483)		(0.0469)
Инвестициялар	0.228**	0.218**	0.216**
	(0.0905)	(0.0777)	(0.0864)
Фирма ҳажми	-0.132**	-0.125**	-0.136**
	(0.0528)	(0.0441)	(0.0509)
Бозор улуши	0.0541**	0.0531**	0.0605***
	(0.0180)	(0.0166)	(0.0153)
Экспорт	-0.0360*	-0.0342*	-0.0338*
	(0.0178)	(0.0157)	(0.0170)
АКТдан фойдаланиш	0.0262*	0.0241**	0.0271**
	(0.0112)	(0.00796)	(0.0108)
Constant	0.0141	0.0386	0.0581
	(0.162)	(0.129)	(0.145)
Observations	16	16	16
R-squared	0.921	0.920	0.915
Standard errors in parentheses			
*** p<0.01, ** p<0.05, * p<0.1			

Таҳлил шуни кўрсатдики, молиявий ричаг активларнинг рентабеллиги учун статистик аҳамиятга эга (англ. return on assets, ROA) ушбу ўзгарувчининг t қиймати 2,49 га тенг ва у барча моделларда муҳимдир.

1 та молиявий ричагнинг ўсиши ROАни 1 фоизга оширади. Инвестициялар, шунингдек, барча моделларда статистик жиҳатдан муҳим ижобий қийматга эга. Инвестициялар миқдорини 1 фоизга ошириш ROАни тахминан 0,22 фоизга оширади. Бироқ, фирма ҳажми ROА билан тескари муносабатларга эга, бу катта фирмаларнинг ROА нисбати пастлиги билан изоҳланиши мумкин. Яъни, агар компаниянинг бозор улуши катта бўлса, уларда ROА ҳам юқори. Компаниянинг экспорт салоҳияти, шунингдек, активларнинг рентабеллиги билан тескари муносабатларга эга, бу экспортнинг қимматроқ бўлиши ёки компания жаҳон бозорига кириш учун ўз маҳсулотларини арзон нархларда экспорт қилиши билан изоҳланиши мумкин. АКТ компаниянинг активлари рентабеллиги билан ижобий алоқага эга, яъни агар корхона АКТдан фойдаланишни оптималлаштира, ROА ҳам ошади. Моделлар орасидаги фарқ регрессияда ишлатиладиган ўзгарувчилар

⁵ STATA дастуридан фойдаланган ҳолда муаллифнинг ҳисоб-китоблари.

сонида, 2 моделида биз «ликвидлик» коэффицентини чиқариб ташладик ва 3 моделида натижаларни ўзгартирмаслик учун «ишлаб чиқариш активи» коэффицентини чиқариб ташладик.

Шундай қилиб, активларнинг рентабеллиги (ROA) компаниянинг рақобатбардошлигини белгилайди ва ўзгарувчилар ўртасидаги муносабатларни ўз вақтида текшириш ва натижаларга қараб зарур чораларни кўриш, тўқимачилик компаниясининг рақобатбардошлигини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Minges M. Exploring the relationship between broadband and economic growth. WDR. 2020.
2. . Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.
3. Noshir Kaka, Anu Madgavkar, Alok Kshirsagar, Rajat Gupta, James Manyika, Kushe Bahl, and Shishir Gupta Digital India: Technology to transform a connected nation, 2019.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

УДК:338.45:6П8(575.1)

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ IMPROVEMENT OF THE ORGANIZATIONAL AND ECONOMIC BASIS FOR THE DEVELOPMENT OF THE FOOD INDUSTRY

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети
PhD Муродова Моҳигул Чори қизи**

Аннотация

Мақолада республикамізда озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, унинг ташкилий-иқтисодий асосларининг замонавий ҳолати ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган. Бундан ташқари, озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги долзарб муаммолар аниқланган.

Калит сўзлар: *озиқ-овқат саноати, ишлаб чиқариш, маҳсулот баҳолари, маҳсулот таннархи, корхоналарнинг рентабеллиги, корхоналар ликвидлиги.*

В статье анализируются нормативно-правовые основы развития пищевой промышленности нашей республики, современное состояние ее

внешнеэкономических основ и факторы, влияющие на нее. Кроме того, выявлены следующие актуальные проблемы, связанные с совершенствованием организационно-экономических основ устойчивого развития пищевой промышленности.

Ключевые слова: пищевая промышленность, производство, цены на продукцию, себестоимость продукции, рентабельность предприятий, ликвидность предприятий.

The article analyzes the regulatory framework for the development of the food industry in our republic, the current state of its foreign economic foundations and the factors influencing it. In addition, the following topical issues related to the improvement of the organizational and economic foundations for the sustainable development of the food industry have been identified.

Key words: food industry, production, product prices, production cost, profitability of enterprises, liquidity of enterprises.

Жаҳон амалиётида озиқ-овқат саноатини ривожлантириш мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг жадал суръатларда ўсиб бориши, саноат хомашёси нархларининг сезиларли даражада ошиб бориши тармоқни барқарор ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Жаҳон банкининг расмий маълумотига кўра, «2020 йилда дунё бўйича ялпи ички маҳсулотнинг қисқариши 4,3 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши 4,7 фоизни ташкил этгани ҳолда, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1,7 фоизга ошди»⁶. Бу эса, жаҳонда озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга доир чоралар тўғрисида»ги Қонуни (2021 йил 29 апрель), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 9 июндаги ПФ-6244-сон «Худудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида», 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4700-сон «Коронавирус

⁶Жаҳон банки. Глобал иқтисодий таҳлил. <https://www.worldbank.org/en/publication/global-economic-prospects>.

пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4821-сон «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 22 декабрдаги ПҚ-58-сон «Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни тадқиқ қилиш, стратегик режалаштириш ҳамда бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 сентябрдаги 581-сон «Озиқ-овқат саноати соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинган.

1-жадвал

«Озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари» хусусидаги илмий-назарий қарашлар⁷

Муаллифлар	Таъриф
Е. Костюков	Озиқ-овқат саноатининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш мақсадида, миллий инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш зарур.
Д.Еременко	Озиқ-овқат саноатининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштиришда, кооперация тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.
К. Зубарев	Саноат корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг прогнозлари асосида, иқтисодий прогнозлашни тиклаш ҳамда, корхоналарини ҳудудий-тармоқ бошқарув органларини мустаҳкамлаш ва улар фаолиятини тартибга солиш жараёнида, озиқ-овқат саноатининг такомиллаштирилган ташкилий-иқтисодий механизми ривожланади.
С. Толкачева	Озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда маҳсулотлар ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш муҳим роль ўйнайди. Унинг фикрига кўра, бир вақтнинг ўзида бир нечта диверсификация йўналишларини қамраб олган комплекс қарорларни танлаб олиш лозим. Бунда бир вақтнинг ўзида икки йўналашдан фойдаланишга асосланган вариант танланиши ва диверсификация йўналишлари ўзгариб бориши мумкин
А.Глотка	Агросаноат мажмуидаги тадбиркорлик агрокластери-ушбу тизимда маълум даражада ўзаро алоқа қилиш маданиятига эга бўлган боғлиқлик билан, иштирокчиларининг умумий иқтисодий манфаатларини амалга оширувчи ва технологик занжир тамойили асосида ташкил этилган ҳудудий жиҳатдан алоҳида инновацион йўналтирилган интеграцион тузилмаси ҳисобланади.
Р.Тоҳчуков	Тадбиркорлик агрокластери- пировард натижаси синергетик самара олиш ҳисобланган, ишлаб чиқаришнинг барча босқичлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан, тайёр маҳсулотни сотишгача жараёнларни, ягона такрор ишлаб чиқариш тарзида мужассамлаштирган турли фаолият билан шуғулланувчи, ташкилотларни бирлашувидан иборат.

«Озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари» хусусидаги илмий-назарий қарашлар тизимилаштирилган (1-жадвал).

Озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш ҳисобга олиб, миллий иқтисодиёт

⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

рақобатбардошлигини оширишдаги муҳим йўналишлардан бири сифатида кўриб чиқилган ва миллий иқтисодийнинг стратегик тармоқларини самарали ривожлантириш учун объектив шарт-шароитлар йиғиндиси сифатига эга эканлиги аниқланган. Хорижий ва маҳаллий илмий адабиётлардаги турли тадқиқотлар натижаларига таяниб, озиқ-овқат саноатини барқарор ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун асосий ёндашувлар, республика озиқ-овқат саноати тармоқларини ривожланишида ушбу тармоқларнинг ташкилий-иқтисодий асослари муҳимлиги билан асосланади.

2-жадвал

Озиқ-овқат саноати корхоналарининг барқарор ривожлантириш мезонлари ва меъёрлари⁸

Мезонлар	Меъёрлар
Режага кўра маҳсулот ишлаб чиқариш	минг сўм $I_t \geq I_{t-1}$
Амалдаги ва солиштирма нархларда товар маҳсулоти	минг сўм $I_{t-1} \leq I_t$
Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмининг ўсиш индекси	индекс (>0) $I_t \geq I_{t-1}$
Сотилган маҳсулотлар ҳажми индекси	минг сўм $I_{t-1} \leq I_t$
Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари индекси	минг сўм $I_t \leq I_{t-1}$
Харажатлар ўсиш индекси	$I_t \leq I_{t-1}$
Битта ходимга тўғри келадиган ишлаб чиқариш индекси	минг сўм/киши бошига $I_{t-1} \leq I_t$
Соф фойда индекси	минг сўм $I_{t-1} \leq I_t$
Рентабеллик индекси	$I_{t-1} \leq I_t$
Жорий ликвидлик коэффиценти	коэффициент (>1.25)
Фонд қайтими индекси	$I_{t-1} \leq I_t$
Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликни айланиш индекси	$I_{t-1} \leq I_t$

Озиқ-овқат саноати корхоналарини барқарор ривожланишини тавсифловчи ва меъёрий даражага эга бўлган мезонлар иқтисодий мазмунига кўра тўрт гуруҳга ажратилган:

- а) ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг баҳолари, ҳажми ва таннарини тавсифловчи мезонлар;
- б) корхоналарнинг рентабеллигини тавсифловчи мезонлар;
- в) корхоналарнинг ликвидлилигини тавсифловчи мезонлар;
- г) корхона асосий воситаларнинг самарадорлигини тавсифловчи мезонлар.

Таҳлил натижаларига асосланиб, «ТЁМК» АЖ да асосий маҳсулот жами ишлаб чиқариш ҳажми 2019 йилда 2015 йилга нисбатан 168,3 %га ошган, тозаланган ўсимлик ёғи 32,7%га қисқарган, ишлаб чиқариш таннари эса, 40,6%га ошган, соф фойда эса 4,2 баробарга ошган ҳамда, ишчиларнинг

⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ўртача ойлик иш ҳақи 86,9%га ошганлигини 3-жадвалда кўришимиз мумкин.

3-жадвал

«ТЁМК» АЖ нинг 2015-2019 йилларда асосий маҳсулот ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичлари⁹

Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари:	Йиллар					2019 йилда 2015 йилга нисбатан ўсиши, %
	2015	2016	2017	2018	2019	
Жами ишлаб чиқариш ҳажми: (млн.сўм)	87315,0	95315,0	91678,9	92104,4	146952,8	168,3
Тозаланган ўсимлик ёғи: (тн)	9,5	9,8	9,0	8,8	6,4	67,3
Шу жумладан товар: (млн.сўм)	3370,2	443,0	443,0	-	6,4	0,18
Маргарин маҳсулот- лари (млн.сўм)	40007,3	56069,6	44876,7	42695,0	50679,4	126,7
Барча турдаги саломаслар (млн.сўм)	20093,4	13576,0	10222,9	13756,9	5,0	0,02
Қадоқланган ёғ (млн.сўм)	10664,5	7426,9	9120,2	9907,4	19169,9	179,8
Шрот (млн.сўм)	10092,2	11989,1	19550,7	18591,7	17806,6	176,4
Шелуха (млн.сўм)	2706,1	1589,9	7100,6	6544,2	5198,8	192,1
Ишлаб чиқариш таннархи	74609,8	6847,0	63654,8	-	104953,6	140,7
Соф фойда	735,1	6291,2	6605,8	-	3067,0	417,2
Ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи	660,0	950,0	934,0	1233,9	-	2018 йилда 2015 йилга нисбат 186,9

Ўз навбатида, мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларнинг ассортименти ва ҳажмини ошириш, уларнинг экологик жиҳатдан тоза бўлишини таъминлаш зарур. Бунинг учун эса, озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида барча ишлаб чиқарувчилар учун тенг рақобат муҳитини шакллантириш, давлат томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг молиялаштириш жараёнини қўллаб-қувватлаш талаб этилади.

4-жадвал

«ТЁМК» АЖ жорий активларининг таркиби ва динамикаси (фоизда)¹⁰

Жорий активлар таркиби:	Йиллар					2020 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.
	2016	2017	2018	2019	2020	
Пул маблағлари	25,1	31,4	28,0	0,1	0,4	- 24,7
Дебитор қарздорлик	27,4	18,9	14,2	27,6	28,8	1,4
Товар-моддий заҳиралар	47,5	49,7	57,8	72,3	70,8	23,3
Қисқа муддатли инвестициялар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	х
Жорий активлар – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	х

4-жадвал таҳлил натижаларига асосланиб, пул маблағларининг «ТЁМК»

⁹Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁰Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

АЖ жорий активларининг умумий ҳажмидаги салмоғини пасайиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, ушбу корхонанинг ликвидлилигини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.


5-жадвал таҳлил натижаларига асосланиб, «ТЁМК» АЖ жорий активларни молиялаштириш манбаларининг умумий ҳажмида энг юқори салмоқни, комбинатнинг ўз маблағлари эгаллайди.

5-жадвал

«ТЁМК» АЖ жорий активларини молиялаштириш манбаларининг таркиби ва динамикаси (фоизда)¹¹

Молиялаштириш манбалари:	Йиллар					2020 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгариши, ф.п.
	2016	2017	2018	2019	2020	
Ўз маблағлари	60,3	68,1	71,7	77,1	85,3	25,0
Тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлари	39,7	28,6	26,6	19,3	13,4	- 26,3
Қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағлари	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	-
Бошқа манбалар	0,0	3,3	1,7	3,6	1,3	1,3
Жорий активларни молиялаштириш манбалари – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	X

Бу эса, комбинатнинг тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитларидан фойдаланиш даражасининг паст эканлиги ва қимматли қоғозларни муомалага чиқариш йўли билан пул маблағларини жалб қилиш амалиётини қийинлашувига олиб келади.



1-расм. «ТЁМК» АЖда активларнинг рентабеллиги кўрсаткичининг даражаси (фоизда)¹²

Таҳлил натижаларига асосланиб, «ТЁМК» АЖда 2016-2020 йилларда активларнинг рентабеллиги кўрсаткичи пасайиш тенденциясига эга бўлган.

¹¹Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹²Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бу эса, комбинат фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади (1-расм).

6-жадвал

«ТЁМК» АЖ ўз маблағларининг таркиби (фоизда)¹³

Ўз маблағлари таркиби:	Йиллар				
	2016	2017	2018	2019	2020
Устав капитали	41,7	27,0	29,5	32,1	33,5
Қўшилган капитал	0,0	12,7	0,0	15,1	14,7
Захира капитали	34,7	1,2	0,4	37,2	17,2
Тақсимланмаган фойда	23,6	59,1	70,1	15,6	34,6
Мақсадли тушумлар	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Ўз маблағлари – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

6-жадвал таҳлил натижаларига асосланиб, «ТЁМК» АЖ ўз маблағларининг таркибида, нисбатан юқори салмоқни тақсимланмаган фойда ва устав капитали эгаллайди. Бу эса:

устав капиталини барқарор молиялаштириш манбаи эканлиги билан ва тақсимланмаган фойда ҳисобидан устав капиталини кўпайтириш сиёсати билан изоҳланади;

қўшилган капиталнинг, ўз маблағлар ҳажмидаги салмоғини нисбатан кичиклиги ва мақсадли тушумларнинг мавжуд эмаслигини билдиради (7-жадвал).

7-жадвал

«Барака-М» МЧЖда жорий ликвидлилик коэффиценти, молиявий левежи коэффиценти ва соф фойда микдорининг ўзгариши (фоизда)¹⁴

Кўрсаткичлар	Йиллар					2020 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгариши
	2016	2017	2018	2019	2020	
Жорий ликвидлилик коэффиценти	2,7	2,6	7,6	2,4	2,1	-0,6 пункт
Молиявий левежи коэффиценти	3,6	6,7	17,9	16,3	14,8	11,2 пункт
Соф фойда микдори, млн. сўм	330,7	376,4	411,7	377,3	216,8	65,6 %


Таҳлил натижаларига асосланиб, 2018-2020 йилларда «Барака-М»

¹³Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁴Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

МЧЖнинг жорий ликвидлилик коэффициентининг даражаси пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, корхонанинг тўловга қобиллигини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Ёғ-мой саноати корхоналарининг барқарорлигига салбий таъсир этаётган омиллардан яна бири – бу корхоналар ўртасидаги қисқа муддатли дебитор қарздорлик миқдорининг катта эканлигидир (2-расм).



2-расм. «ТЁМК» АЖда қисқа муддатли дебитор қарздорлик миқдори, млрд. сўм¹⁵

2-расм таҳлил натижаларига асосланиб, қисқа муддатли дебитор қарздорлик «ТЁМК» АЖда 2019 йилда юқори миқдорга эга бўлган. Шунингдек 2020 йилда, қисқа муддатли дебитор қарздорлик миқдори 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошганлиги кўрамыз.

Республиканинг озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятининг ташкилий-иқтисодий асослари ва уни такомиллаштириш бўйича хулосалар шакллантирилди ҳамда илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ёғ-мой саноати корхоналарининг барқарор ривожланишини таъминлашда:

- ёғ-мой саноат корхоналарига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ички молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш;
- кредиторлик қарздорликни камайтириш учун озиқ-овқат саноати корхоналарининг қимматли қоғозларини муомалага чиқариш.

2. Ёғ-мой саноати корхоналарини барқарор ривожлантириш мезонларини маълум рационал меъёрга бўлишини таъминлаш ва ёғ-мой саноати корхоналарини барқарор ривожлантириш мезонлари таркибида сотилган маҳсулотлар ҳажми индекси,соф фойда индекси, ликвидлилик ва

¹⁵Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

айланма маблағларни айланиши индекслари умумэътироф этилган мезонлар ҳисобланади.

3. Жорий активлар таркибини такомиллаштириш, улардан самарали фойдаланиш ва жорий активлар таркибини шакллантиришда улардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлашда, пул маблағларининг жорий активлари хажмидаги салмоғининг юқори ва барқарор даражасини таъминлаш ҳамда айланма активларнинг айланиш тезлигини ошириш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жаҳон банки. Глобал иқтисодий таҳлил. <https://www.worldbank.org/en/publication/global-economic-prospects>.
2. Друкер П. Бизнес и инновации. -М.:Academia, 2009.-221 с.;
3. Lucas.R., On the Mechanism of Economic Development//Journal of Monetary Economics. Vol.22. July. P.3-42.1988.;
4. Дамаев Д.В. Комплексная оценка устойчивого развития промышленных предприятий; методический подход: автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.05. -Новосибирск, 2005.-21с.
5. Райзберг Б.А. Государственное управление экономическими и социальными процессами. -М.:Инфра-М, 2008.-384 с.
6. Архипов В.М. Проектирование производственного потенциала объединений (теоретические аспекты)-Л.:Изд.ЛГУ, 2009.-75-89с.
7. Ковалев В.В. Финансы организаций (предприятий): учебник. -М.:Проспект, 2010.-352с.
8. Марушков Р.В. Оценка использования экономического потенциала предприятия (на примере предприятий печатной отрасли), автореф. дис. канд. экон. наук. -М.:2000.-20 с.
9. Махкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях Республики Узбекистан. Дисс. док. экон. наук. -Т.:2004.-291 с.
10. Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона (на примере Сырдарьинской и Джизакской областей Республики Узбекистана): дисс. д.э.н. Т.: 1992.
11. Саматов Ғ.А. Инновациявий техника ва технологиялар самарадорлиги ва унда техник-иқтисодий тадқиқотларнинг ривожлантирилиши. //Иқтисодиёт ва таълим. №1.2015.48-52 б.
12. Расулов Т.С., Абулқосимов Ҳ.П. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўллари. Рисола.-Т., «Fan va texnologiya», 2015.;
13. Аллаева Г.Ж. Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика мажмуаси корхоналарини барқарор ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми услубиятини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: 2021. – 14 б.;

**ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИНИ КЛАСТЕРЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ КЛАСТЕРИЗАЦИИ
ХЛОПКО-ТЕКСТИЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ**

**DIRECTIONS FOR IMPROVING THE CLUSTERING OF COTTON AND
TEXTILE ENTERPRISES**

**Тошкент давлат техника университети,
PhD Давлятов Бекзоджон Асланхожаевич**

Аннотация

Мақолада пахта-тўқимачилик кластерларининг Республикамиз тўқимачилик саноатини ривожлантиришидаги ўрни асосланган. Пахта - тўқимачилик корхоналари кластерлашининг замонавий ҳолати ҳамда Республикамиз вилоятларида кластер тузилмаларини ташкил этиши ва тўқимачилик саноатини ривожлантириши йўналишлари таҳлил қилинган.

***Калим сўзлар:** пахта-тўқимачилик, кластер, ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлиги, кластер самарадорлиги, саноат.*

В статье обоснована роль хлопково-текстильных кластеров в развитии текстильной промышленности нашей республики. Проанализировано современное состояние кластеризации хлопково-текстильных предприятий и направления организации кластерных структур и развития текстильной промышленности в регионах нашей Республики.

***Ключевые слова:** хлопково-текстильная промышленность, кластер, эффективность производственной деятельности, эффективность кластера, промышленность.*

The article substantiates the role of cotton-textile clusters in the development of the textile industry of our republic. The current state of clustering of cotton and textile enterprises and the direction of the organization of cluster structures and the development of the textile industry in the regions of our Republic are analyzed.

***Key words:** cotton-textile industry, cluster, production efficiency, cluster efficiency, industry.*

Жаҳонда охириги 15-20 йил ичида тўқимачилик саноатини ривожланишида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Иқтисодиётнинг глобаллашуви натижасида тўқимачилик ишлаб чиқариш маркази Европа ва АҚШдан учинчи дунё мамлакатлари, хусусан, Жанубий-Шарқий, Марказий Осиё, Жанубий Америка давлатларига кўчди. Bloomberg агентлигининг

маълумотларига кўра, “2022 йилги қуруқ об-ҳаво натижасида кўплаб пахта бериши мумкин бўлган далалар қуриб қолган, натижада дунёда пахтанинг ўртача нархи 30 %га, мато ва кийим-кечак маҳсулотларининг нархи 20-30 %га ошди”¹⁶. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик ялпи ички маҳсулот даражаси паст бўлган аксарият ривожланаётган давлатларда тўқимачилик саноати жадал ривожланаётган бир пайтда, даромад даражаси ўртача бўлган давлатлар эса ўзларини, шунингдек яқин минтақавий бозорларни ҳам тўқимачилик маҳсулотлари билан таъминлаёттилар.

Жаҳон мамлакатларида бу йўналишда маълум тажриба тўпланган. Илмий тадқиқотлар дунёнинг энг кластерлашган давлатларидан бири ҳисобланадиган иқтисодиётларда яратилаётган ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан ортиқ қисми турли йўналишлардаги кластерларда яратилмоқда.

Ўзбекистонда жаҳон тажрибасига асосланган ҳолда кластерларни қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига жорий этиш амалиёти бошланган бўлиб, бундан кўзланган мақсад мамлакатнинг импортга қарамлигини камайтириш, диверсификация қилиш ва маҳаллийлаштириш орқали ривожлантириш ва мамлакатни экспорт салоҳиятини ошириш ҳисобланади. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида “тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга кўпайтириш”¹⁷ вазифаси “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” деб номланган 3-йўналиш 22-мақсадининг асосий бандлари қаторида белгиланган. Пахта-тўқимачилик тармоғи бўйича кластерларни шакллантириш ва улар фаолиятини самарали ташкил этиш иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда аҳолининг фаровон турмуш даражасини таъминлайди. Тармоқнинг ишчи кучини кўп талаб этиладиган соҳалардан бири эканлигини инобатга олсак аҳолини, айниқса хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласини самарали ечимларидан бири сифатида кўришимиз мумкин.

Манфаатлар тенглигига эришиш учун кластер корхоналарининг иқтисодий муносабатларига фойда нормасининг тенглиги тамойилини қўйиш кераклиги, одатда фойда нормаси ёки рентабеллик тушунчасида остида йиллик фойда нормаси туриши таъкидланган.

Ҳар бир иштирокчининг баланс фойдасини ҳисоблаш учун қуйидаги формула тавсия этилади:

$$\Phi = R \cdot (АИЧФ + АФ) / 100 \quad (1)^{18}$$

Бу ерда: R – маҳсулотни ҳамкорликда ишлаб чиқаришдаги рентабеллик. Кластерда турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариши мумкин. Формуладаги рентабеллик барча ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари бўйича аниқланган ўртача рентабеллик. АИЧФ – ўша маҳсулотларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати,

¹⁶ <https://www.asiaplustj.info/ru/news/tajikistan/economic/20220822/tseni-na-hlopok-v-mire-rastut-a-tadzhikistan-sokratshaet-posevi>

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли Фармони

¹⁸ Муаллиф ишланмаси

АФ – нормаланадиган айланма маблағлар киймати, бунда моддий ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг минимал миқдори 6%га оширилиб қабул қилиш тавсия этилган.

Кластерлар ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини қуйидагича баҳолаш тавсия этилади:

$$C_k = \frac{\sum_{i=0}^T \frac{PK_i^t}{((1+d)(1+p))^t} - \sum_{i=0}^T \frac{ПЧ_i^t}{((1+d)(1+p))^t}}{\sum_{i=0}^T \frac{K_i^t}{((1+d)(1+p))^t}} \quad (2)^{19}$$

Бу ерда: C_k – кластернинг иқтисодий самарадорлиги; PK_i^t – i -корхонанинг t вақт ичидаги пул киримлари; $ПЧ_i^t$ – i -корхонанинг t вақт ичидаги пул чиқимлари; K_i^t – i -корхонанинг t вақт ичидаги капитал қўйилмалари; d – банк депозитининг йиллик фоизи; p – йиллик инфляция даражаси.

Фикримизча, кластерлар иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг мазкур кўрсаткичи инновацион кластерлар фаолияти учун $1,17 \leq C_o \leq 1,35$ ораликда қабул қилиниши мақсадга мувофиқ. Ушбу ораликда кластер фаолиятини “барқарор самарадор” деб эътироф этиш мумкин.

Кластерларнинг тушумлари кўринишидаги пул оқимлари билан ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳисобланаётганда тавсия этилган кўрсаткичлар республикада фаолият кўрсатаётган молия ташкилотларида таваккалчиликсиз қафолатланган “ўртача тортилган фоиз ставкалари миллий валютада 20,4 %” эканлигини инобатга олинган, бунда самарадорлик бўйича кўрсаткичлар мос равишда 1,204 га тенг бўлади, яъни кўрсаткичларининг тавсия этилган даражадан паст бўлиши кластерлашдаги инвестициявий оқимларнинг бошқа соҳа ва тармоқларга ўтиб кетишига олиб келиши мумкин.

“REAL TEKS TASHKENT” MCHJ таркибига кирувчи корхоналардан энг асосий ва тўлиқ шаклланган технологик жараён сифатида пахта тозалаш ва йигирув корхоналари танлаб олиниб, уларнинг 2020 ва 2021 йилларда фаолият юритиши натижасида ҳосил бўлган пул оқимлари (млн.сўм) кўрсаткичлари ёрдамида юқоридаги таклиф этилган самарадорлик кўрсаткичи ҳисобланди.

$$C_k = \frac{(178467,4 + 217771,3) + (279552,0 + 357480)}{((1 + 0.174)(1 + 0.111))^2} - \frac{(160\,371,5 + 195771,1) + (266301,9 + 301713,1)}{((1 + 0.174)(1 + 0.111))^2}$$

$$= \frac{32150,7 + 60550,0}{((1 + 0.174)(1 + 0.111))^2}$$

¹⁹ Муаллиф ишланмаси

$$= \frac{\frac{1033270,76 - 924157,6}{1,7012}}{\frac{92700,7}{1,7012}} = \frac{607377,59 - 54323865}{54315,71} = 1,1808$$

Ҳисоблаш натижаларига кўра, самарадорлик кўрсаткичининг 1, 1808 га тенг эканлиги кўрсатилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси таркибида 410 та тўқимачилик корхоналари, 10 та машинасозлик корхоналари, 1330 та тикувчилик-трикотаж корхоналари, “Шарқ либослари” дизайн маркази, Реклама ва маркетинг агентлиги, “Ўзтўқимачиликэкспорт” ташқи савдо компанияси, “Тўқимачиликброк” компанияси, тўқимачилик корхоналарини лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларини амалга оширувчи “Енгилсаноатқурилиш” компанияси, шунингдек “Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари” уюшмаси таркибида 122 та пахта-тўқимачилик кластерлари фаолият юритмоқда.

1-жадвал

Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда пахта-тўқимачилик кластерларининг ўрни ²⁰

Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2021 йил 2018 йилга нисбатан
1.Товар маҳсулоти, млрд.сўмда	21508,8	21530,6	22354,2	23538,9	2030,1
Ўсиш суръати, %	100	100,2	103,8	105,3	109,4
2.Шу жумладан, пахта-тўқимачилик кластерларида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, млрд.сум	2223,0	13930,8	14820,0	18120,1	15897,1
Ўсиш суръати, %	100	6,3 марта	106,4	122,3	8,2 марта
3. Пахта-тўқимачилик кластерлари сони, дона	15	94	100	122	8,1 марта
4.Жами тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида кластерлар улуши,%	10,3	64,8	66,3	77,0	66,7

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарорлаштириш, унга бозор механизмлари ва замонавий технологияларни жорий этиш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар тадқиқ этилган. Ушбу йўналишда давлатнинг турли хўжалик юритиш субъектлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ролини оширишнинг янги институционал механизмини яратишда пахта - тўқимачилик кластерларини ташкил этишнинг тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ўрни асосланган (1-жадвал).

1-жадвал маълумотларидан тармоқ корхоналарида товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсиш тенденциясига эга эканлигини кўришимиз

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

мумкин, хаттоки пандемия шароитида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортган. Бу борада шуни таъкидлаб айтишимиз мумкинки, тўқимачилик саноатида янги қувватларнинг ишга туширилиши ҳисобига ўсиш суръатлари таъминланган.

Ўзбекистон Республикасида 2018 йил 15та, 2019 йил 94та, 2020 йил 100та, 2021 йил эса 122та пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилди. Пахта тўқимачилик кластерларининг ташкил этилиши Республикамизда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишида ўз аксини топди. Агар 2018 йил пахта-тўқимачилик кластерларида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини 100%га тенг деб қабул қилсак, 2019 йил пахта-тўқимачилик кластерларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 6,3 марта ортди. 2020 ва 2021 йилларда ҳам пахта-тўқимачилик кластерларида маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари ўртача тармоқ кўрсаткичларидан юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон пахта етиштирувчи дунёнинг энг йирик мамлакатларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, охириги йилларда толани қайта ишлаш, тўқимачилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бир сўз билан айтганда, ишлаб чиқаришни тайёр маҳсулот циклигача олиб келиш борасида ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур ҳолат пахта толаси ва тўқимачилик маҳсулотлари экспортини қиёсий таҳлили орқали асосланган (2-жадвал).

2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Ўзбекистон пахта толаси экспортини йилдан йилга камайтириб бормоқда. 2018 йилда тола экспорти 222,1 млн.АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 2021 йил бу кўрсаткич 69,2 млн.АҚШ долларини ташкил этди.

2-жадвал

Пахта-тўқимачилик кластерларининг Республикамиз пахта толаси ва тўқимачилик маҳсулотлари экспортидаги салмоғи динамикаси²¹

Маҳсулот номи	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2021 йил 2018 йилга нисбатан
1. Пахта толаси экспорти, млн.АҚШ доллари	222,1	227,6	78,9	69,2	-152,9
Ўсиш суръатлари,%	46,6	102,5	34,7	87,7	31,2
2.Тўқимачилик маҳсулотлари экспорти, млн.АҚШ доллари	1603,1	1628,9	1912,2	2323,3	720,2
Ўсиш суръатлари,%	141,4	101,6	117,4	121,5	144,9
3. Пахта - тўқимачилик кластерларида маҳсулот экспорти ҳажми, млн.АҚШ долл.	143,4	858,3	864,1	1036,8	893,4
Ўсиш суръатлари,%	100	6 марта	100,7	120,0	7,2 марта
4. Жами тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажмида кластерлар улуши,%	7,7	52,7	43,4	43,3	35,6

²¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

2018-2021 йилларда пахта толаси экспорти бўйича ўсиш суръатлари кўрсаткичида пасайиш тенденциясини кузатишимиз мумкин. 2021 йил пахта толаси экспорти ҳажми 2018 йилга нисбатан 31,2 %ни ташкил этгани фикримизнинг далилидир. Шу билан бирга, тармоқ маҳсулотлар экспорти таркибида тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажмининг юқори суръатлар билан ортганини таъкидлашимиз зарур. Хусусан, тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажми 2021йилда 2020 йилга нисбатан 121,5 %ни, 2018 йилга нисбатан эса 144,9 %ни ташкил этган.

2017-2021 йилларда Республикамизда 122 та пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилган. Республика вилоятларининг деярли барча туманларида пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилиши ҳудудларда ҳам пахта етказиб бериш, ҳам юқори қўшилган қийматга эга тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини, ҳам аҳолини янги иш ўринларини яратиш орқали турмуш тарзини яхшилаш имконини беради.

3-жадвал

2018-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида пахта-тўқимачилик кластерларида етиштирилган пахта хомашёси динамикаси ²²

Кўрсаткичлар номи	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2021 йил 2018 йилга нисбатан
1. Ажратилган ер майдонларида етиштирилган пахта хомашёси, млрд.сўм	1068,7	972,9	916,0	982,6	-86,1
Ўсиш суръатлари,%	100,0	91,0	94,2	107,2	91,9
2.Пахта толаси, млрд.сўм	2198,0	2491,8	2648,9	2859,8	661,8
Ўсиш суръатлари,%	100,0	113,4	106,3	108,0	130,1
3.Бир гектар ердан олинган ҳосилдорлик, центнер	19,9	25,1	30,1	30,1	10,5
Ўсиш суръатлари,%	100,0	120,1	117,5	102,0	153,6

2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикамизда пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш борасидаги ишларнинг амалга оширилиши натижасида, бир гектар ердан олинган ҳосилдорлик 19,6 центнердан 30,1 центнерга, ёки бошқача айтадиган бўлсак, гектарига 10,5 центнерга ортди,

²² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

натижада пахта хомашёсини етиштирадиган давлатлар орасида Ўзбекистон 6-ўринга кўтарилди (3-жадвал).

Кластер тузилмаларини ташкил этиш ва фаолият олиб бориш самарадорлигини оширишда ҳудудлар иқтисодиётининг асосий йўналишларини асослашда, мазкур соҳада республикамиз тўқимачилик тармоғида амалга оширилаётган ишларни тадқиқ этиш натижаларига асосланилган.

Республикамиз вилоятларида тугалланган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган пахта - тўқимачилик кластерларининг ташкил этилиши тўқимачилик саноати ҳудудий таркибини такомиллаштириш ҳамда тўқимачилик саноатининг салоҳиятини, экспорт имкониятларини ошириш, вилоятларда янги иш ўринларини яратиш орқали аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш ҳамда уларнинг турмуш тарзини яхшилашнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Мамлакатимизда пахта-тўқимачилик кластерининг ташкилий - иқтисодий механизмини ўрганиш асосида қуйидаги ҳулосалар қилинди:

1. Кучли рақобат шароитида пахтачиликни барқарор ривожлантиришнинг асосий омили сифатида соҳадаги субъектлар фаолиятини нафақат технологик жиҳатдан, балки ташкилий ва бошқарув соҳасини ҳам модернизациялашни кўришимиз мумкин. Модернизациялаш, ўз навбатида, пахта саноатининг истикболли рақобатбардош моделини яратишни, унинг мақбул ижтимоий таркиби ва пахтачилик субъектларини бозор тамойилларига мос ташкилий турларини шакллантиришни тақозо этади.

2. Фикримизча, кластерлар – ўзаро яқин бўлган ҳудудларда жойлашган, ўхшаш ёки бир-бири билан боғлиқ етиштирувчи (тайёрловчи), ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлардан иборат тузилма ҳисобланади. Уни ташкил этишдан мақсад – ишлаб чиқаришни комплекслаштириш, у билан ягона технологик занжирда бўлган инфратузилмалар ва бошқа хизматларни уйғунлаштириш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат.

3. Пахтани чуқур қайта ишлаш натижасида тайёр кийимлар ва бошқа тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, яъни пахтани ерга қадашдан бошлаб, уни тайёр маҳсулот кўринишига олиб келадиган пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.asiaplustj.info/ru/news/tajikistan/economic/20220822/tseni-na-hlopok-v-mire-rastut-a-tadzhikistan-sokratshaet-posevi>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли Фармони
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотлари.

4. Багаутдинова, Н. Г. Вертикально-интегрированные компании как основа развития промышленных кластеров в регионе : монография / Н. Г. Багаутдинова, А. В. Саркин. - Казань : НОУ ВПО, Академия управления "Тисби", 2008.-152 с.
5. Беспалов, В. А. Механизмы создания и функционирования высокотехнологичных отраслевых кластеров : монография / В. А. Беспалов, В. Б. Леонтьев, Д. Б. Рыгалин и др.; ред. С. Г. Полякова. - М. : МИЭТ, 2010.-163 с.
6. Ф.Азимова. Тўқимачилик саноати корхоналари фаолияти самарадорлигини бошқаришни такомиллаштириш: ИФФД (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Т.:2022.
7. Бекмуродов А.Ш., Янг Сон Бе. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана: Кластерный подход. Монография. –Т.: ТГЭУ, 2006. –112 с.
8. Рахматов М.А., В. З. Зарипов. Кластер-интеграция ва иқтисодий усиш. «Zamin nachez» Ташкент 2019, 167 бет.
9. Махмудов Н.М., Хомидов С.О. Ўзбекистон саноати ривожланиш омиллари, тенденцияси ва муаммолари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2017.

УДК: 658.01:6П9 (576.1)

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

НАПРАВЛЕНИЯ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

DIRECTIONS FOR SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF THE TEXTILE INDUSTRY

**Тошкент давлат техника университети,
PhD Хайитов Шерзод Пардабоевич**

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноатининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрнини таҳлил этилган. Тўқимачилик саноатининг натижаларини баҳолаш, тўқимачилик корхоналари барқарор ривожда мавжуд ресурслардан фойдаланиш ҳолати таҳлили амалга оширилган. Тўқимачилик саноати корхоналари стратегик мавқеи ва рақобатбардошлигини таҳлил қилиш йўналишлари ўрганилган. Мамлакатда тўқимачилик саноатини барқарор ривожлантириш йўналишлари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

***Калит сўзлар:** тўқимачилик, тўқимачилик саноати, барқарорлик, ривожланиш, юқориға қараб ривожланиш.*

В статье проанализировано место текстильной промышленности Республики Узбекистан в экономике нашей страны. Проведены оценка результатов деятельности текстильной отрасли, анализ состояния

использования имеющихся ресурсов в устойчивом развитии текстильных предприятий. Изучены направления анализа стратегического положения и конкурентоспособности текстильных предприятий. Разработаны научные предложения и даны практические рекомендации по устойчивому развитию текстильной отрасли страны.

Ключевые слова: *текстиль, текстильная промышленность, устойчивость, развитие, восходящее развитие.*

The article analyzes the place of the textile industry of the Republic of Uzbekistan in the economy of our country. An assessment of the performance of the textile industry, an analysis of the state of the use of available resources in the sustainable development of textile enterprises was carried out. The directions of analysis of the strategic position and competitiveness of textile enterprises have been studied. A scientific proposal and practical recommendations for the sustainable development of the country's textile industry have been developed.

Key words: *textiles, textile industry, sustainability, development, upward development.*

Жаҳон бозорида глобал рақобат кучайиб бораётган бир шароитда аҳолининг табиий, экологик тоза ва сифатли тўқимачилик маҳсулотларига кескин ўсиб бораётган талабини қондириш, тўқимачилик саноатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш орқали уларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. “Бу борада саноат ишлаб чиқариш муҳим ўрин тутиб, жаҳон ялпи ички маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши 16,2 фоизни, хусусан тўқимачилик саноати 2,4 фоизни, саноат ривожланган мамлакатларда 20,6 фоизни, саноат ривожланаётган мамлакатларда 22,2 фоизни, саноат қуйи ривожланиш даражасига эга бўлган мамлакатларда эса 12,5 фоизни ташкил этмоқда”²³. Саноат тармоғи таркибида тўқимачиликнинг улушини ошириш, уларни барқарор ривожлантиришда янги имкониятларини топиш ва амалдаги иқтисодий механизмларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида тўқимачилик саноати муҳим ўринни эгаллаб, бу тармоқдаги мавжуд салоҳиятдан кенг миқёсда фойдаланиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш, маҳсулот сифатини ошириш, барқарор ривожлантиришда инновацион усулларни қўллаш борасида кенг қўламдаги амалий ишлар олиб борилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга кўпайтириш”²⁴ вазифаси белгилаб берилган. Мазкур вазифанинг самарали амалга оширилиши тўқимачилик корхоналари барқарор ривожланишини баҳолаш бўйича

²³ UNIDO. Industrial Development Report 2021. Demand for Manufacturing: driving Inclusive and Sustainable Industrial Development Vienna, Austria. 2021. pp. 201-205.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. // www.lex.uz.

ёндашувларни такомиллаштириш, барқарорликни таъминлашда иқтисодий, экологик, ижтимоий, технологик жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсири алоқаларини мувофиқлаштириш, тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш тадбирларини амалиётга жорий этиш, тўқимачилик саноати ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир қилувчи омилларнинг эконометрик модели асосида тўқимачилик корхоналарининг истиқболдаги прогноз кўрсаткичларини баҳолаш каби йўналишлардаги илмий тадқиқот ишларининг бажарилишини тақозо этади.

“Ривожланиш” категориясининг замонавий талқини кўп қиррали ва зиддиятли саналади. Ҳар бир муаллиф “ривожланиш” тушунчасини ўзига хос тарзда талқин қилади. Бу ҳар қандай ҳолатда ҳам табиий ўзгариш ёки кимдир томонидан ўзгаришга олиб келиши сифатида тушунилади, у ерда ҳам “ўзгариш” сўзи мавжуд. Бизнинг фикримизча, ривожланиш объекти мавжудлик босқичига қараб ўзгаради. Шундай қилиб, дастлабки босқичда табиий ўзгариш юз беради, сўнгра объектга турли хил атроф-муҳит омиллари таъсир қилади, бу эса мустақил ўзгариш билан бирга объектнинг сифат ўзгаришига ёрдам беради. Фикримизча, ривожланиш ҳам ички, ҳам ташқи омиллар таъсири остида юзага келадиган, микдорий, сифат ва таркибий ўзгаришларнинг шаклланишига олиб келадиган қайтарилмас, йўналтирилган ва мантиқий ўзгаришлар жараёнидир.

1-жадвал

“Барқарорлик” категориясининг моҳиятини тизимлаштириш²⁵

Т/р	Манба	Моҳияти
1	Ускова Т.В.	“... Ўзгаришлар жараёни, унда ресурсларни эксплуатация қилиш, инвестициялар йўналиши, технологик тараққиёт ижтимоий фаровонлик ва экологик мувозанат билан мос равишда йўналтирилганли ҳозирги ва келажакдаги салоҳиятгага қиймат қўшади”
2	Баутин В.М.	“... рентабелликни таъминлаш, шунингдек ишлаб чиқаришни ривожлантириш, моддий-техника базасини модернизация қилиш, меҳнат жамоасида ижтимоий иқлимни яхшилашга имкон берадиган барча ишлаб чиқариш салоҳиятидан функционал фойдаланиш, ўзгарувчан атроф-муҳит шароитларига мослашиш”
3	Псарева Н.Ю.	“... фойдани белгиланган даражада ушлаб туриш қобилияти”
4	Кульбак Н.А.	“... Иқтисодий ресурсларнинг мувозанатли ҳолати, бу энг муҳим ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда, узоқ муддатли истиқболда барқарор иқтисодий ўсишни кенгайтириш учун барқарор рентабеллик ва нормал шароитларни таъминлайди”
5	Кучерова Е.Н.	“... тизимнинг мувозанат ҳолатига қайтиш қобилияти, бу тизим унга ҳар қандай ташқи омиллар таъсиридан кейин ўз вазифаларини бажариши учун энг мақбулдир”

²⁵Эмперик тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

Барқарор ривожланиш муаммосининг мураккаблиги уни тушунишнинг янги усуллари ва механизмларининг пайдо бўлишига олиб келади. Тадқиқот жараёнида барқарор ривожланишнинг беш босқичли “Юқорига қараб ривожланиш” модели ҳамда “Бутун векторли, барча даражадаги” интеграл моделининг моҳияти очиб берилган, афзаллик томонлари ва камчиликлари кўрсатилган, шунингдек барқарор ривожланишнинг муваффақият омиллари тавсифланган.

Ғарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатлари табиий муҳитга техноген таъсирини камайтириш соҳасидаги қонунчилик ташаббусларини қабул қилишда, шунингдек иқтисодий, экологик ва ижтимоий омилларни ҳисобга олган ҳолда, жамиятни мутаносиб ривожлантириш зарурлигини англашдан келиб чиққан навбатдаги қадам бўлган барқарор ривожланиш концепциясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда етакчилардир.

Ўзбекистон тўқимачилик саноати республикаимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган тармоқлардан бири саналади. 1991 йилгача мамлакатимизда тайёрланган пахта толасининг 10% дан камроқ қисми қайта ишланган, холос. Маҳсулот экспортининг ҳажми эса 7,7 млн. АҚШ долларида ошмаган эди.

Ҳозирги пайтда республикаимиз тўқимачилик саноатининг асосий қисми “Ўзбектўқимачиликсаноат” уюшмасига жамланган бўлиб, у ўз таркибига қарийб 2 мингдан ортиқ йирик корхона ва бирлашмаларни олади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз тўқимачилик саноати тубдан ўзгарди. Агар 1991 йилда республикада фақат 4 та йирик тўқимачилик комплекси мавжуд бўлса, мустақиллик йилларида жуда катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган корхоналар яратилди.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ЯИМни яратишда тўқимачилик саноат корхоналарининг ўрни²⁶

Йиллар	Кўрсаткичлар		
	Мамлакат ЯИМ ҳажми, амалдаги баҳоларда, млрд. сўм.	Ўзбекистон тўқимачилик саноат корхоналари бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми, млрд. сўм.	Ўзбекистон тўқимачилик саноат корхоналарининг ЯИМдаги салмоғи, %
2017	317 476,4	7 334,0	2,31
2018	424 728,7	10 046,0	2,36
2019	529 391,4	12 080,4	2,28
2020	602 193,0	14 805,9	2,46
2021	734 587,7	19 778,8	2,69

2-жадвалда Ўзбекистон Республикаси ЯИМини яратишда тўқимачилик саноат корхоналарининг роли ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Келтирилган маълумотларни таҳлил қилар эканмиз, уларга таянган ҳолда мамлакатимиз ЯИМини яратишда тўқимачилик саноатнинг тутган ўрни ва

²⁶Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.

кейинги 15 йил давомида унинг тараққиётига хос бўлган муҳим тенденциялар хусусида маълум бир хулосаларни шакллантириш мумкин.

Дастлаб шуни эътироф этиш лозимки, таҳлил қилинаётган даврда Ўзбекистон тўқимачилик саноат корхоналарининг мамлакатимиз ЯИМидаги салмоғи тебранишлари бир хил бўлмаганлиги кузатилади. Хусусан, 2,28 % дан (2019 йил) 2,31 % гача (2017 йил) тебранган (ўзгариш диапазони 0,03 фоизли банд) бўлишига қарамасдан унинг 2017-2021 йиллар оралиғида, умуман олганда, бир қадар ўсиш тенденциясига эга бўлганлигини қайд этиш лозим. Бу нарса, айниқса, 2020-2021 йиллар оралиғида яққол кўринади. Бир қанча объектив ва субъектив сабаблари бўлишига қарамасдан, бизнинг назаримизда, буни соғлом ҳолат сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлсада, 2018-2019 йилларда пасайиш тенденцияси рўй берган.

Тадқиқотларимиз натижалари вужудга келган вазиятнинг сабабларидан бири сифатида, мамлакатимизда тўқимачилик саноат корхоналари бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми ўсиш суръатларининг ЯИМ ўсиш суръатларидан ортда қолаётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2019 йилда 2017 йилга нисбатан мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръати (амалдаги баҳоларда) 1,67 мартани ташкил этган бўлса, худди шу даврда тўқимачилик саноат корхоналари бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми ўсиш суръатлари эса 1,65 мартага тенг бўлган.

2021 йилда эришилган кўрсаткичларнинг белгиланган даражалари бу йўналишда маълум бир ишларни амалга ошириш бошлаб юборилганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2021 йилда мамлакатимиз ЯИМини ҳажми 2017 йилга нисбатан 2,31 марта ўсган бўлса, ушбу кўрсаткичнинг даражаси тўқимачилик саноат корхоналари бўйича 2,7 мартага тенг бўлган ёки ўртача мамлакат кўрсаткичига нисбатан ушбу кўрсаткич тўқимачилик саноатида жадал ўсиши таъминланган. Демак, бу келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари билан тўқимачилик саноат корхоналари бўйича реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми ўсиш суръатлари ўртасидаги фарқни қисқартириш чоралари кўриломоқда.

Таҳлиллар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси бўйича қиёсий нархларда товар маҳсулоти ҳажми 2020 йилда 2016 йилга нисбатан 122,6 % га ошган ёки 21 трл. 991 млрд. 200 млн. сўмни ташкил этган. Ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотлари – пахта калава иппи, тайёр ипп газлама, нотўқима мато, трикотаж матоси ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши ўрганилаётган даврда 122,6-231,1 % ни ташкил этган бўлса, тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ва пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши жадал суръатда амалга ошган ва мос равишда 249,8 % ва 1019,8 % ни ташкил этган. Бунинг асосий сабаби бугунги кунда юқори қўшилган қийматга эга тайёр тўқимачилик маҳсулотлари (кийим-кечаклар) ишлаб чиқариш суръати жадал ривожланаётганлигидир (3-жадвал).

Статистик маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, “САНАМ” МЧЖда 2017 йилда фонд қайтими 10,28 сўмни ташкил қилган бўлса, 2021

йилга келиб бу кўрсаткич 36,13 сўмни ташкил этган. Бунга асосий сабаб - 2021 йилда корхонада модернизация ишлари олиб борилган.

3-жадвал

**“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси корхоналарида 2016-2020
йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, тармоққа киритилган
инвестиция миқдори ва экспорти динамикаси²⁷**

Кўрсаткичлар номланиши	Ўлчов бирлиги	2016	2017	2018	2019	2020	2020 йилда 2016 йилга нисбатан ўсиши	
							(+;-)	%
Қиёсий нарх- ларда товар маҳсулоти ҳажми	млрд.сўм	8806, 2	10568	12744, 2	17248, 8	21991, 2	13185	122,6
Пахта калава ипи	минг тонна	302,4	354,1	410,4	575,2	629,8	327,4	208,2
Тайёр ип газлама	млн. м ²	179,1	196,1	235,5	268,3	406,0	173,1	226,7
Нотўқима мато	млн. м ²	18,3	26,2	30,3	40,8	42,3	24,0	231,1
Момиқ	минг тонна	12,3	13,4	40,6	67,6	40,6	28,3	330,1
Трикотаж матоси	минг тонна	62,1	65,9	75,6	111,2	119,6	57,5	192,6
Тикув- трикотаж маҳсулотлари	млн. дона	219,4	271,8	312,1	432,0	548,1	328,7	249,8
Пайпоқ маҳсулотлари	млн. жуфт	25,2	27,6	68,9	197,3	257,0	231,8	1019, 8
Экспорт	млн.АҚ Ш доллари	1146, 5	1169, 0	1302,3	1541,3	1868,4	721,9	162,9
Инвестиция	млн.АҚ Ш доллари	190,2	250,5	548,1	832,3	712,9	522,7	374,8

“BETLIS TEKSTIL” МЧЖда ушбу кўрсаткичнинг ўрганилаётган даврда қарийб 4 баробарга пасайиши рўй берган. Бунга асосий сабаб - 2021 йилда корхонада модернизация ишлари олиб борилганлиги натижасида барча ускуналар деярли 100 % замонавий SULFET Туркия машиналари билан алмаштирилган. “FULL COTTON” МЧЖда эса ушбу кўрсаткич ўрганилаётган даврда 53,14 сўмдан 10,78 сўмгача камайган. Меҳнат унумдорлиги “САНАМ” МЧЖда 2017 йилда ҳар бир ишчига 4790 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 63,1 % га ошиб, киши бошига 15851 минг сўмга етган. Бу ўсишга фондларнинг янгиланиши ҳисобидан эришилган.

²⁷ "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

“BETLIS TEKSTIL” МЧЖда ушбу кўрсаткичнинг ўрганилаётган даврда қарийб 1,25 баробарга ошиши рўй берган. Бунга асосий сабаб фондларнинг янгиланиши саналади. “FULL COTTON” МЧЖда эса ушбу кўрсаткич ўрганилаётган даврда киши бошига 80527 минг сўмдан 181228 минг сўмгача ошган. Ўрганилаётган даврда барча тўқимачилик корхоналарида маҳсулотнинг хом ашё сифими кўрсаткичи камайиши рўй берган.

Олиб борилган тадқиқотлари бўйича қуйидаги хулоса қилиш мумкин:

1. Иқтисодий фанда “барқарор иқтисодий ривожланиш” концепцияси тадқиқотчилар томонидан ҳар хил талқин қилинмоқдаки, бу эса ушбу атаманинг моҳиятини тўлиқ очиб беришда бир хил ёндашувлар мавжуд эмаслигидан далолат беради. Диссертация тадқиқотлари шуни кўрсатдики, концепциянинг ривожланиши жараёнида “Барқарор ривожланиш” уч жиҳатдан кўриб чиқила бошланди: экологик, иқтисодий ва ижтимоий.

2. Барқарор ривожланиш муаммосининг мураккаблиги уни тушунишнинг янги усуллари ва механизмларининг пайдо бўлишига олиб келади. Тадқиқот жараёнида барқарор ривожланишнинг беш босқичли “Юқорига қараб ривожланиш” модели ҳамда “Бутун векторли, барча даражадаги” интеграл моделининг моҳияти очиб берилган, афзаллик томонлари ва камчиликлари кўрсатилган, шунингдек, барқарор ривожланишнинг муваффақият омиллари тавсифланган.

3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон тўқимачилик саноат корхоналарининг мамлакатимиз ЯИМидаги салмоғи тебранишлари бир хил бўлмаганлиги кузатилади. Хусусан, 2,28 % дан (2019 йил) 2,31 % гача (2017 йил) тебранган (ўзгариш диапазони 0,03 фоизли банд) бўлишига қарамасдан унинг 2017-2021 йиллар оралиғида, умуман олганда, бир қадар ўсиш тенденциясига эга бўлганлигини қайд этиш лозим. Аммо, тармоқнинг республикаимиз мамлакатимиз ЯИМ даги салмоғи улуши ўзгариши ўрганилаётган даврда паст даражадаги ўзгариш тенденциясига эгадир.

4. Ишлаб чиқаришни ажратиб кўрсатиш ва мақсадларни сифат ва миқдор жиҳатига ажратиш ғоясига мувофиқ тўқимачилик корхонасининг барқарор ривожланишини баҳолашнинг қуйидаги: корхонанинг барқарор ривожланишининг тахминий кўрсаткичлари тизимининг аналитик базасини тузиш, корхонанинг мақсадларини белгилаш, мақсадларни иқтисодий, экологик, ижтимоий ва технологик барқарорлик даражасини ҳисобга олган ҳолда сифат ва миқдор йўналишлари бўйича гуруҳлаш, коэффициентларнинг ахборот модулини стандартлаштириш ва меъёрлаштириш ҳамда уларни ҳисобланган маълумотлар мажмуасига келтириш, ўрганилаётган тўқимачилик корхоналарининг барқарор ривожланишининг иқтисодий, технологик, ижтимоий ва экологик даражаларининг хусусий интеграл коэффициентларини аниқлаш, сифат кўрсаткичлари ва миқдорий мақсадлар учун интеграл кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқиш каби босқичларни ўз ичига олган услубияти таклиф қилинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. UNIDO. Industrial Development Report 2021. Demand for Manufacturing: driving Inclusive and Sustainable Industrial Development Vienna, Austria. 2021. pp. 201-205.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. // www.lex.uz.
3. Эмперик тадқиқот натижалари асосида муаллиф ишланмаси.
4. Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.
5. "Ўзтуқимачиликсаноат" уюшмаси маълумотлари.
6. Алексейчева Е.Ю., Магомедов М.Д., Костин И.Б. Экономика организации (предприятия). Учебник. — М.: Дашков и Ко, 2020. - 290 с.
7. Борисов Е.Ф. Экономика: учебник и практикум / Е. Ф. Борисов. — 7-е изд., перераб. и доп. — Москва : Издательство Юрайт, 2021. — 383 с.
8. Н. А. Пискуловой. — М.: Издательство «Аспект Пресс», 2015. - 336 с.
9. Махмудов Н.М., Хомидов С.О. Ўзбекистон саноати ривожланиш омиллари, тенденцияси ва муаммолари. Монография. — Т.: Иқтисодиёт, 2017.
10. Yo'ldoshev N.Q., Yusupov S.Sh., Zaxidov G`. Menejment asoslari va biznes reja. — Т.: Fan va texnologiya, 2016. — 244 b.
11. Раҳимова Д.Н. ва бошқалар. Замонавий менежмент назарияси ва амалиёти. Дарслик. — Т.: “Гофур Фулом ижодий уйи”, 2007. — 320 б.
12. Муратов Р.С. Корхона иқтисодиёти: Дарслик. — Т.: ТДИУ, 2014. — 246.

УДК: 658.01:6П9 (576.1)

НЕФТЬ - ГАЗ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ НЕФТЕГАЗОВОЙ ОТРАСЛИ

DIRECTIONS OF DEVELOPMENT OF INVESTMENT ACTIVITIES OF OIL AND GAS INDUSTRY ENTERPRISES

**Тошкент давлат техника университети,
PhD Юлдашев Собир Файзуллаевич**

Аннотация

Мақолада мамлакат иқтисодиётининг нефть ва газ тармоқларига киритилган инвестициялар динамикаси ва таркиби, инвестицион фаолиятга маблағларни жалб қилиш йўналишлари ўрганилган. Шунингдек, инвестицияларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятига таъсири бўйича тақсимланиши ҳамда инвестицион фаолият самарадорлигини оширишнинг хориж тажрибаси тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: нефть, газ, инвестиция, нефть ва газ тармоқларига киритилган инвестициялар, инвестицион фаолият, миллий иқтисодиёт, эркин иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари.

В статье рассматриваются динамика и состав инвестиций, осуществляемых в нефтегазовый сектор экономики страны, направления привлечения средств к инвестиционной деятельности. Также изучено распределение инвестиций по степени их влияния на производственные мощности и зарубежный опыт повышения товарищества инвестиционной деятельности.

Ключевые слова: нефть, газ, инвестиции, инвестиции в нефтегазовую отрасль, инвестиционная деятельность, национальная экономика, свободные экономические зоны, малые промышленные зоны.

The article discusses the dynamics and composition of investments made in the oil and gas sector of the country's economy, the directions of attracting funds for investment activities. The distribution of investments according to the degree of their influence on production capacities and foreign experience in increasing the partnership of investment activities have also been studied.

Key words: oil, gas, investment, investment to the oil and gas industry, investment activity, national economy, free economic zones, small industrial zones.

Жаҳонда рақамлаштирилган иқтисодий жараёни вужудга келтириш шароитида чекланган ресурс сифатида нефть ва газ саноати муҳим аҳамият касб этмоқда. Нефть ва газ саноатининг маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин ортиб бориши бир томондан мавжуд инвестициялардан самарали фойдаланиш, иккинчи томондан эса ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ресурслар билан таъминлаш шароити кескинлашмоқда. “Маълумотларга кўра ҳозирги даражадаги қазиб олиш даражасини ушлаб туриш учун 2040 йилгача жаҳон миқёсида нефть ва газ тармоғига 17 трлн. доллар инвестиция киритишни талаб этади, бу эса ўз навбатида жаҳон энергетикасига киритиладиган инвестицияларнинг 1/3 қисмини ташкил қилади”²⁸. Бунда стратегик муҳим илмий-технологик ва истикболли инвестицион лойиҳалар, фойдали янгиликларни турли механизм ва стратегик алгоритмлар асосида жорий этиш орқали етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш, замонавий техник ва технологик янгилаш, маҳаллий инновацион технологияларни жорий этиш асосида иқтисодиётнинг юксак тараққиётига эришилмоқда.

Бугунги кунда жаҳон мамлакатларидаги саноат корхоналарида инвестицион фаолиятини замонавий краудфаундинг кўринишида ташкил этиш, ташкилий-иқтисодий ҳамда технологик тадбирлар таркибида инвестицион лойиҳаларни самарали қўллаш каби механизмларни такомиллаштириш юзасидан илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада технологик жараёнларни яшил иқтисодиётга мослаштирган ҳолда рақамлаштириш, харажатларни ички ресурсларни оптималлаштириш асосида қисқартириш, унумдорликни инвестицион жараёнлардаги механизмларнинг такомиллашган улушини кўтариб бориш

²⁸ XXIV Петербургский Международный Экономический Форум. Энергетическая панель «Трансформация мировой энергетики» доклад И.И. Сечина. Мировая энергетика на распутье/ Санкт-Петербург/ 5.06.2021г.

ҳисобига ошириш, юқори технологиялар соҳасида интеграцион жараёнларни чуқурлаштириш каби илмий изланишлар устувор даражада амалга оширилмоқда.

Янгиланаётган мамлакатимиз шароитида нефть ва газ саноатини замонавий талаблар асосида сифат жиҳатдан ривожлантириш, ишлаб чиқаришда инвестицион лойиҳаларни кенг жорий этиш, ишлаб чиқаришнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини рақамли ва инновацион технологиялар асосида таъминлаш каби сифат кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Геология соҳасида жорий йилда 21 та кон ва истиқболли майдонлар очик аукцион орқали инвесторларга сотилди. 2021 йилда яна 50 та кон ва истиқболли майдонлар маҳаллий ва чет эллик инвесторларга очик механизмлар асосида сотилди. Бундай ишларни бошқа йўналишларда ҳам давом эттиришимиз керак”²⁹. Бу борада инвестицион фаолият олиб боровчи субъектларни қўллаб-қувватлаш, яшил маҳсулотлар бозорини мақсадли ва самарали ривожлантириш ҳамда тармоқда уларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш механизмини такомиллаштириш, инвестицион фаолиятга асосланган самарали механизмларини ишлаб чиқиш йўналишидаги илмий изланишларга устувор даражада эътибор қаратилмоқда.

Дунё олимлари жумладан: Alex Kane, Zvi Bodie, Alan J. Marcus инвестиция муҳити, унинг элементлари, қимматли қоғозлар таҳлили, ҳосилавий қимматли қоғозлар ва инвестициялар портфелини бошқариш ҳамда рисклар таҳлили борасида изланишлар олиб борган бўлса³⁰, К.Р.Субраманям эса корхонанинг ички (жорий ва узоқ муддатли активларга) ва ташқи (қимматли қоғозлар, улушли инвестициялар, бизнес бирлашувлари ва ҳ.к.) инвестициялари таҳлилининг мақсад, вазифалари ҳамда услубиётини аниқ маълумотлар билан кўрсатиб берган³¹.

Шунингдек, Россиялик олим Г.В.Савицкая инвестиция фаолияти самарадорлиги таҳлилининг асосий йўналишлари сифатида инвестицион фаолият ҳажми таҳлили, реал инвестициялар, молиявий қўйилмалар самарадорлиги таҳлили, инвестиция лойиҳалари самарадорлиги ва молиялаштириш манбалари таҳлили бўйича тадқиқотлар олиб борганлигини қайд этишимиз мумкин³².

Бугунги кунда мамлакатимизда саноат корхоналарига инвестицияларни кенг жалб қилиш, қулай инвестиция муҳитини барпо этиш, ички ва ташқи молиявий манбалардан самарали фойдаланиш жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Я.Миркиннинг фикрича, инвестицияларни молиялаштиришнинг реал, истиқболли шакли компанияларнинг жамғармаларини иккиламчи бозордан акциядорлик капиталига жойлаштиришни кўпайтириш

²⁹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 28.12.2020 йил.

³⁰ Bodie, Zvi. Investments / Zvi Bodie, Alex Kane, Alan J. Marcus.—9th ed. p. cm.—(The McGraw-Hill/Irwin series in finance, insurance and real estate), 2011. P.994

³¹ Subramanyam K.R. Financial statements analysis. 11th edition. –New York, “McGraw-Hill Education”, 2014.— P.701

³² Савицкая Г.В. Экономический анализ: учебник—14-е изд., перераб. и доп. –М.: ИНФРА-М, 2017. –649 с.

ҳисобланади, лекин инвестицияларни молиялаштиришнинг манба даражаси паст. Яъни, кўпчилик МДХ давлатларида корпоратив акция ва облигацияларга қилинадиган инвестицияларнинг риск даражаси юқорилиги ва инвесторлар ишончининг пастлиги фонд бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий сабаблар эканлиги қатор тадқиқотларда ўз аксини топган³³.

Дунё олимларидан швед иқтисодчи олим Клос Эклунднинг қарашича, инвестиция - бу келажакда кўпроқ истеъмол қилиш имкониятига эга бўлиш мақсадида эртанги кун учун сарфланадиган сармоя ҳисобланади. Бунинг бир қисми ҳозирда ишлатилмасдан захирага қолдириладиган истеъмол буюмлари бўлиб, бошқа қисми эса бу ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган ресурслар³⁴.

Россиялик олимлар М.П.Войнаренко, Н.Ю.Ерофеев, А.Н.Асаулларнинг фикрига кўра интенсив инвестициялар, тадбиркорлик фаолияти ёки ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилади, деб таъриф берганлар³⁵.

Шунингдек, инвестиция фаолиятини амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларнинг таҳлили юзасидан иқтисодчи олимларнинг фикрларига назар ташласак, инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини назарий жиҳатлари қатор иқтисодчи олимлар томонидан ўзининг илмий изланишларида ўрганиб чиқилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бозор муносабатлари шароитида инвестицион фаолиятни амалга ошириш ва ривожлантиришнинг асосий, қулай шарт-шароитлари, фикримизга кўра, яъни:

- инвестиция фаолиятини амалга оширишни молиявий жиҳатдан таъминловчи манбаларнинг сезиларли даражада кўпайиши;
- хусусий капиталнинг давлат капитали устидан устуворлигининг ошиб бориши;
- инвестиция фаолиятида иштирок этувчи мулкчиликнинг турли шаклидаги ҳўжалик юритувчи субъект ва объектлар сонининг муттасил ўсиш суръатига эга бўлаётгани;
- бўш турган пул маблағларини жамлаш ва уларни инвестиция фаолиятига жалб қилиш орқали инвестициялар билан боғлиқ талаб ва таклифни мувофиқлаштирадиган инвестиция бозорининг шаклланганлиги, яъни институтларини жорий этиш жараёнининг ривожланаётганлиги каби йўналишларда кўришимиз мумкин.

Ҳозирги кунда республикамызда инвестицион фаолият ва унинг бозор механизмини ташкил этувчи барча тармоқларни ривожлантириш, улар

³³ Б.К.Тухлиев., “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы. № 1, январь-февраль, 2019 йил. 3-б;

³⁴ М.С.Саитқамолов. Ўзбекистон Республикаси темир йўл тармоғида инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ёзилган диссертация 1-б, 2021 йил

³⁵ А.Н.Асаул, М.П.Войнаренко, П.Ю.Ерофеев. “Организация предпринимательской деятельности” Учебник. Под.ред. д.э.н., проф. А.Н.Асаула. – СПб.: “Гуманистика”, 2004. 223с.

орқали иқтисодиёт комплексига инвестициялар оқимини рағбатлантирилиши мақсадга мувофиқ бўлади (1-расм).



1-расм. Инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизми³⁶

Маълумки, жаҳонда ривожланган кўпгина мамлакатлар амалиётида эркин иқтисодий ҳудудлар ички ва ташқи инвестицияларни миллий иқтисодиётнинг алоҳида танлаб олинган ҳудудларига кенг жалб қилишнинг замонавий усулларида бири эканлиги, бизга маълум. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, эркин иқтисодий ҳудудлар амалда жаҳон капитал бозорида сузиб юрган инвестициялар учун “қопқон” вазифасини ўтайди.

Шунинг учун, республикада эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш борасида олиб борилаётган ишлар муҳим ўрин эгаллайди. Кичик бизнеснинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва роли таҳлилчилар томонидан ҳар томонлама ўрганилиб, унинг устунликлари ва заиф жиҳатлари чуқур тадқиқ этилиши лозимлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда миллий иқтисодиётга эркин иқтисодий зоналар орқали инвестицияларни жалб этиш борасида хорижий мамлакатлар тажрибаси. Яъни кичик саноат зоналарининг мамлакатимизда муваффақиятли фаолият юритишини таъминлашга қаратилган чоралардан бири – хорижий мамлакатларнинг ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш, айрим соноат тармоқларини қайта тиклаш ва фаолиятини такомиллаштириш, янги иш ўринларини ташкил этиш мақсадида эркин иқтисодий ҳудудлар ва кичик саноат зоналарини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган амалий тажрибаларини ўрганиб чиқиш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

³⁶ Н.Ғ.Каримов. Иқтисодий интеграллашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари.и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2007 йил- 235 бет

“Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти нефть ва газ саноатини ривожлантириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратиб келмоқда.

1-жадвал

Давлат инвестиция дастури доирасида нефть ва газ соҳасида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми,(млн.долл)³⁷

Ўзлаштириш манбалари	ЖАМИ млн.долл	2016й. млн.долл	2017й. млн.долл	2018й. млн.долл	2019й. млн.долл	2020й. млн.долл
ЖАМИ	13 650,6	2 992,7	3 635,5	2 331,2	3 250,9	1 440,3
Ўз маблағлари	2 473,4	1 010,3	434,8	548,7	281,4	198,2
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар	7 349,6	1 646,4	2 648,6	952,5	1 887,0	215,0
Давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар	2 893,0	0,0	0,0	830,0	1 066,0	997,0
ФРРУ (ЎзТТЖ) маблағлари	879,6	316,1	547,0	0,0	16,5	0,0
Тижорат банкларининг кредитлари	55,0	19,9	5,1	0,0	0,0	30,0

Давлат инвестиция дастури доирасида нефть ва газ соҳасида 2016-2020 йиллар давомида 13 650,6 млн.доллар ҳажмида инвестициялар ўзлаштирилган. Мос равишда ушбу инвестицияларнинг энг катта қисми 2018-2020 йилларда давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар бўлиб, сўнгги 3 йилда 2 893 млн. долларга тенг бўлган. Умуман олганда 2016-2020 йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш кўрсаткичи асосий манба йўналиши бўлиб, 7 349,6 млн.долларни ташкил этган.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан инвестицияларни жалб қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар катта кўламга эга бўлмоқда. Ишлаб чиқаришни янгилаш янги объектларни ишга туширишга кўплаб инвестициялар жалб қилинмоқда. Қуйидаги 2-жадвалда ушбу инвестициялар ҳажмини кўриш мумкин бўлади.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан инвестицияларни янги қурилиш объектларига жалб қилиш жадвалининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2020 йилда янги қурилиш объектларига инвестицияларни жалб қилиш 2019 йилга нисбатан 3,2 % га, 2015 йилга нисбатан эса қарийб 1,8 баробарга кўпроқ кўрсаткич қайд этилган. Шу жумладан хусусий маблағлар ҳисобига

³⁷ “Ўзбекнефтгаз” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

инвестицияларни жалб қилиш 2017 йилда 96,9 млн.долл.га тенг бўлган ҳолда энг паст натижага эришилган.

2-жадвал

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан инвестицияларни янги қурилиш объектларига жалб қилиш динамикаси (млн.долл.)³⁸

Йиллар	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Жами, шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича	2029,52	1709,65	2234,96	3533,98	3531,79	3645,0
Хусусий маблағлар	124,7	146,48	96,9	311,98	202,55	220,0
ФРРУ (ЎзТТЖ) маблағлари	106,98	34,71	55,0	115,0	120,0	200,0
Хорижий инвестициялар ва кредитлар	1787,84	1507,46	2058,06	3070,0	3151,24	3000,0
Тижорат банклари-нинг кредитлари	10,0	21,0	25,0	37,0	58,0	25,0

2018 йилда бу кўрсаткич анча яхшиланган ва 311,98 млн.долл.га етказилган. 2020 йилда пандемия оқибатлари ўлароқ хусусий маблағларни жалб қилиш 2019 йилга нисбатан 8,6 %га ортган ва 220 млн. долларга тенг бўлиб, 2018 йилга қараганда қарийб 29,5% га пасайиш кузатилган. 2020 йил якунига кўра Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт Жамғармаси ҳисобига 200 млн.долл.га тенг бўлиб, 2019 йилга нисбатан қарийб 1,7 баробарга кўпроқ бўлган ҳамда сўнгги 6 йилда энг катта ҳажмда инвестиция маблағларини айнан шу йўналишга қаратилган.

3-жадвал

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан инвестицияларни модернизация ва реконструкция ишларига жалб қилиш динамикаси (млн.долл.)³⁹

Йиллар	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Жами, шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича	623,28	849,90	654,57	847,03	607,07	378,02
Хусусий маблағлар	404,73	493,08	333,67	362,53	199,67	123,57
ФРРУ (ЎзТТЖ) маблағлари	168,97	110,50	156,20	134,40	148,80	40,00
Хорижий инвестициялар ва кредитлар	7,60	8,77	124,70	135,40	200,10	112,50
Тижорат банклари-нинг кредитлари	41,98	237,54	40,00	214,70	58,50	101,95

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан инвестицияларни модернизация ва реконструкция ишларига жалб қилиш жадвалига кўра 2020 йилда объектларни таъмирлаш бўйича инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш кескин пасайган. Унга кўра 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 37,8 %га, 2018 йилга нисбатан 55,4 %га, 2017 йилга нисбатан 42,3%га, 2016 йилга нисбатан

³⁸ “Ўзбекнефтгаз” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

³⁹ “Ўзбекнефтгаз” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

55,6%га ҳамда 2015 йилга нисбатан 39,4%га инвестицияларни жалб қилиш камайганлигини кўриш мумкин. Бунда 2020 йил якунига кўра хусусий маблағлар ҳисобига 123,57 млн.долл., Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт Жамғармаси ҳисобига 40 млн.долл., хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига 112,5 млн.долл., тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига 101,95 млн.долларга тенг бўлган. Шунга қарамай ягона ижобий кўрсаткич тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига тўғри келган ҳолда 2020 йилда 2019 йилга нисбатан қарийб 1,75 баробарга кўпроқ бўлган, лекин 2018 йилга қараганда деярли 52,5 %га пастлаган. “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан инвестицияларни модернизация ва реконструкция ишларига жалб қилиш бўйича энг юқори кўрсаткич 2016 йилга тўғри келиб, 849,9 млн.долл.га тенг бўлган.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан 2015-2020 йиллар давомида умумий жалб қилинган инвестициялар ҳажми 28014,39 млн.долл.ни ташкил этган. Жаҳонда коронавирус пандемияси бўлишига қарамай 2019-2020 йилларда инвестицияларни жалб қилиш кўрсаткичи сезиларли даражада пасайиб кетмаган. Хусусан, хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилиш кўрсаткичи 2020 йилда 3302,5 млн.долларга тенг бўлиб, 2017 йилга нисбатан 36,9%га ортган, лекин 2019 йилга нисбатан 8%га пастлаган.

4 -жадвал

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан 2015-2020 йилларда жалб қилинган инвестициялар ҳажми, (млн.долл.)⁴⁰

Йиллар	2015й. млн.долл	2016й. млн.долл	2017й. млн.долл	2018й. млн.долл	2019й. млн.долл	2020й. млн.долл
Жами, шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича	3741,40	3809,64	4135,19	5727,60	5386,92	5213,64
Хусусий маблағлар	1530,35	1718,21	1444,87	1684,71	1412,15	1343,88
ФРРУ (ЎзТТЖ) мблағлари	279,66	152,10	211,20	249,40	268,80	240,00
Хорижий инвестициялар ва кредитлар	1876,94	1680,07	2412,94	3541,40	3589,34	3302,50
Тижорат банклари кредитлари	54,45	259,26	66,18	252,10	116,63	127,26

Тижорат банкларининг кредитлари 2020 йилда 127,26 млн.долларни ташкил қилиб, 2019 йилга қараганда 9,1%га кўтарилиш тенденциясига эга бўлган. Лекин пандемия корхонанинг хусусий маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган инвестициялар ҳажмига ўз таъсирини ўтказган. 2020 йилдаги натижалар 2016 йилдаги кўрсаткичларга нисбатан 21,8%га пастроқ бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва Тараққиёт Жамғармаси маблағлари ҳисобига 2015-2020 йиллар мобайнида “Ўзбекнефтгаз” АЖга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 1401,16 млн.долл.га тенг бўлган.

⁴⁰ “Ўзбекнефтгаз” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан 2016-2020 йилларда ишга туширилган лойиҳаларнинг амалдаги ҳолати⁴¹

Йиллар млн.дол ↓	Ишга туширилган лойиҳаларнинг сони	Ишга туширилган лойиҳаларнинг умумий қиймати (млн.долларда)	Шу жумладан:				Яратилган янги иш ўринлар сони
			Ўз маблағлари	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар	Тижорат банк кредитлари	ФРРУ (ЎзТТЖ) маблағлари	
ЖАМИ	32	6 394,1	1 240,6	5 020,1	28,4	105,1	3 550,0
2016й.	8	714,9	633,3	16,5	7,3	57,9	346
2017й.	12	3 556,1	183,0	3 309,8	16,2	47,2	1 684
2018й.	7	1 582,0	60,9	1 516,2	4,9	-	1 275
2019й.	1	15,3	15,3	-	-	-	17
2020й.	4	525,7	348,1	177,6	-	-	228

5-жадвалдан шуни кўришимиз мумкинки, 2016 йилда 714,9 млн. долларга тенг 8 та объект, 2017 йилда 3556,1 млн.долларга тенг 12 та объект, 2018 йилда 1582 млн.долларга тенг 7 та объект, 2019 йилда 5,3 млн.долларга тенг 1 та объект ва 2020 йилда 525,7 млн. долларга тенг 4 та объект ишга туширилган. Ишга туширилган лойиҳаларнинг умумий қиймати 6394,1 млн.долларга баҳоланган.

2016-2020 йиллар мобайнида жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобидан ишга туширилган объектларнинг қиймати 1240,6 млн.долларга тенг бўлган. Ўз маблағлари ҳисобидан энг катта сармоялар 2016 йилда 633,3 млн.доллар ва 2020 йилда 348,1 млн.доллар қийматга эга бўлган.

Тадқиқот натижаларимиздан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

1. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда фан-техника тараққиёти саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб келган. Республикамиздаги саноат корхоналарини ривожлантиришда инвестицион фаолиятни олиб боришда, кўриб чиқилиши муҳим бўлган яна бошқа зарур йўналишлар таклиф сифатида келтириб ўтилган.

2. Давлат инвестиция дастури доирасида нефть ва газ соҳасида 2016-2020 йиллар давомида 13 650,6 млн.доллар ҳажмида инвестициялар ўзлаштирилган. Мос равишда ушбу инвестицияларнинг энг катта қисми 2018-2020 йилларда давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар бўлиб, сўнгги 3 йилда 2 893 млн. долларга тенг бўлган. Умуман олганда 2016-2020 йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни

⁴¹ “Ўзбекнефтгаз” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

ўзлаштириш кўрсаткичи асосий манба йўналиши бўлиб, 7 349,6 млн.долларни ташкил этган.

3. “Ўзбекнефтегаз” АЖ томонидан инвестицияларни янги қурилиш объектларига жалб қилиш жадвалининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2020 йилда янги қурилиш объектларига инвестицияларни жалб қилиш 2019 йилга нисбатан 3,2 % га, 2015 йилга нисбатан эса қарийб 1,8 баробарга кўпроқ кўрсаткич қайд этилган. Шу жумладан, хусусий маблағлар ҳисобига инвестицияларни жалб қилиш 2017 йилда 96,9 млн.долл.га тенг бўлган ҳолда энг паст натижага эришилган. 2018 йилда бу кўрсаткич анча яхшиланган ва 311,98 млн.долл.га етказилган.

4. 2016-2020 йиллар мобайнида жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобидан ишга туширилган объектларнинг қиймати 1240,6 млн.долларга тенг бўлган. Ўз маблағлари ҳисобидан энг катта сармоялар 2016 йилда 633,3 млн.доллар ва 2020 йилда 348,1 млн.доллар қийматга эга бўлган.

5. “Ўзбекнефтегаз” АЖда инвестицион фаолиятни ривожлантириш механизми ва уни ташкил этувчи бўлимлар келтирилган. Бу бўлимларнинг вазифалари қуйидагилар:

- стратегик таҳлил бўлимида вазиятни кенг қамровли таҳлил қилиш, нефть-газ корхоналарининг инвестицион фаолиятини ривожлантириш йўналишлари ва узоқ муддатли вазифаларни белгилаш амалга оширилади.

- мувофиқлаштириш бўлими, белгиланган мақсадлар, мавжуд ресурслар ва инвестицион фаолият стратегиясини амалга ошириш субъектларининг имкониятлари ўртасидаги мувозанат таъминланади.

- тадбирларни амалга ошириш бўлимидаги асосий иштирокчиларининг саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш ва фаоллаштириш жараёнида бажариладиган махсус воситаларлардан фойдаланишдир.

- назорат бўлимида “Ўзбекнефтегаз” АЖнинг режадаги ва ҳақиқий кўрсаткичларини солиштириш ҳамда стратегияни амалга оширувчиларни рағбатлантириш тадбирлари амалга оширилади.

- баҳолаш бўлими, унинг доирасида қабул қилинган чора-тадбирлар ва саъй-ҳаракатларни тўғрилаш бўйича қарорлар самарадорлигини баҳолашга қаратилган ҳаракатлар амалга оширилади.

–

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. XXIV Петербургский Международный Экономический Форум. Энергетическая панель «Трансформация мировой энергетики» доклад И.И. Сечина. Мировая энергетика на распутье/ Санкт-Петербург/ 5.06.2021г.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент: “Ўзбекистон” , 28.12.2020 йил.
3. Bodie, Zvi. Investments / Zvi Bodie, Alex Kane, Alan J. Marcus.—9th ed. p. cm.—(The McGraw-Hill/Irwin series in finance, insurance and real estate), 2011. P.994
4. Subramanyam K.R. Financial statements analysis. 11th edition. –New York, “McGraw-Hill Education”, 2014.—P.701

5. Савицкая Г.В. Экономический анализ: учебник—14-е изд., перераб. и доп. —М.: ИНФРА-М, 2017. —649 с.
6. Б.К.Тухлиев., “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2019 йил. 3-б;
7. М.С.Саиткамоллов. Ўзбекистон Республикаси темир йўл тармоғида инвестицион фаолият самарадорлигини ошириш, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ёзилган диссертация 1-б, 2021 йил
8. Н.Ғ.Каримов. Иқтисодий интеграллашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2007 йил- 235 бет
9. “Ўзбекнефтегаз” АЖ маълумотлари.

UDK: 339.246(075.8)

RIVOJLANGAN MAMLAKATLAR BUDJET IJROSIDA G‘AZNACHILIK TIZIMINING O‘RNI VA AHAMIYATI

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ КАЗНАЧЕЙСКОЙ СИСТЕМЫ В ИСПОЛНЕНИИ БЮДЖЕТОВ РАЗВИТЫХ СТРАН

THE ROLE AND IMPORTANCE OF THE TREASURY SYSTEM IN THE IMPLEMENTATION OF THE BUDGET OF DEVELOPED COUNTRIES

**Alfraganus universiteti, Ijtimoiy fanlar fakulteti
dekan o‘rinbosari Rejapov Saydulla Xikmatullayevich
O‘zMU Iqtisodiyot fakulteti Moliya va kredit
kafedrasi o‘qituvchisi Xolmo‘minov Xumoyun Odil o‘g‘li**

Annotatsiya

Maqolada rivojlangan mamlakatlar budjet ijrosida g‘aznachilik tizimi tahlil etilgan. Fransiya, Buyuk Britaniya, Italiya, AQSh mamlakatlarida g‘aznachilikning o‘rni hamda ahamiyati to‘g‘risida ilmiy mulohazalar olib borgan holda takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so‘zlar: budjet, g‘aznachilik, daromad, xarajat, mexanizm, siyosat.

В статье анализируется казначейская система в исполнении бюджетов развитых стран. Были разработаны предложения на основе научных соображений о роли и значении казначейства во Франции, Великобритании, Италии, США.

Ключевые слова: бюджет, казначейство, доходы, расходы, механизм, политика.

The article analyzes the treasury system in the budget execution of developed countries. In the countries of France, Great Britain, Italy and USA proposals were developed with scientific feedback on the role and importance of the treasury.

Keywords: budget, treasury, income, cost, mechanism, policy.

Budjet mablag'laridan oqilona va samarali foydalanishni ta'minlovchi mexanizmlardan biri – davlat budjet ijrosining g'aznachilik tizimidir. Hozirgi zamonaviy iqtisodiy yangiliklardan kelib chiqib aytish mumkinki, budjet jarayonini samarali tashkil qilishning amaliy ishlarini g'aznachilik nazoratidan chetda tasavvur etib bo'lmaydi. Buni hattoki, zamonaviy iqtisodiyot vakillari — olimlar, iqtisodchilar, qolaversa, sohaning yetuk mutaxassislari ham asosli ravishda e'tirof etmoqdalar. Negaki, g'aznachilik tizimi budjet daromadlari va xarajatlarini yagona g'azna hisobraqamiga jalb qilish, pul oqimlarini to'g'ri va samarali boshqarish, rejalashtirish, moliyaviy oqimlarning esa ilk va joriy nazoratini amalga oshirish, shu jumladan, davlat yuqori operativlikda ijro etish imkoniyatining kengayishiga xizmat qiladi.

Bugun mamlakatimizning iqtisodiy sohasida qator yangilik va o'zgarishlarning joriy qilinishi, uning iqtisodiy jihatdan yanada takomillashishiga xizmat qilmoqda. Xususan, davlat moliyasi yo'nalishida institutsional islohotlar keng ko'lamda amalga oshirilyapti. Ushbu amaliy harakatlarning negizida eng avvalo, davlat budjet ijrosiga dunyo tan olgan va dunyo mamlakatlarida sinovdan o'tgan, budjet mablag'laridan natijakor foydalanishni ta'minlab beruvchi g'aznachilik tizimining joriy qilinganini alohida e'tirof bilan tilga olish lozim.

Mamlakatda davlat moliyasini boshqarishni, shu bilan bir qatorda davlat budjetni ijro etishda, asosiy mexanizmlardan biri hisoblangan g'aznachilik tizimini tashkil etish va uni shakllantirishda xorij mamlakatlarining tajribasi muhim o'rin egallaydi.

Bozor iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlar hayotida davlat budjet ijrosini boshqarish, asosan, g'aznachilik tizimiga asoslanib amalga oshiriladi. Davlat budjet ijrosining yangi mexanizmini amaliyotga joriy qilinishi respublikaning iqtisodiy sohasidagi bugungi kunda budjet islohotlarining ulkan yo'nalishlaridan biri deyilsa, mubolag'a bo'lmaydi. Sababi davlat moliyasini samarali boshqarish zaruriyati budjet daromadlarini to'liq va o'z vaqtida to'plash bilan bir qatorda budjet mablag'laridan oqilona foydalanish uchun ham budjet xarajatlarining nazoratiga bo'lgan ehtiyojning kuchaytirilishini talab qiladi.⁴²

Mamlakatimizda davlat budjetining g'azna ijrosini samarali tashkil qilinishiga mustaqillikning sharofati, jumladan, barqaror rivojlanish ko'rsatkichlarini qo'lga kiritish boshlashimizdan so'nggina muvaffaq bo'lindi. O'zbekiston Respublikasi davlat moliyasini boshqarish tizimi bo'yicha ham keng qamrovga ega bo'lgan muvaffaqiyatli natijani berayotgan islohotlarni joriy qilmoqda. Bunday islohotlarning ijobiy natijalari davlat budjet g'azna ijrosining omadli tarzda joriy qilinishida yaqqol ko'zga tashlanadi, deya aytish mumkin.

⁴² Eshnazarov T. Davlat budjetining g'azna ijrosini rivojlantirish omillari. "Budjet ijrosiga g'aznachilik tizimini joriy etishning dolzarb muammolari" mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami. – Toshkent: «IQTISOD-MOLIYA» nashriyoti, 2011 y

Rivojlangan mamlakatlar budjet ijrosida g'aznachilikning o'rni va ahamiyati to'g'risida iqtisodchi olimlar va makroiqtisodiy tahlil bo'yicha tadqiqotlar olib borgan yetuk mutaxassislar bo'lganligiga guvoh bo'lishimiz mumkin. Jumladan, T.Eshnazarov, G.Qosimova, Sh.Shodmonqulovalar [2; 3; 4] mamlakat budjet ijrosida xorijiy tajribalarni joriy qilinishning xususiyatlari hamda yo'nalishlari haqida fikrlar yuritishgan. Ular o'zlarining tadqiqotlarida budjet ijrosiga doir tushunchalarga ta'rif berib o'tishgan.

1. Fransiya mamlakatining budjet ijrosida G'aznachilikning o'rni.

Fransiyada g'aznachilikning tashkil qilinishi XII-XIV asrlarda to'g'ri keladi, shu paytga kelib, birinchi marta davlat puli va qirolning mulki bir-biridan ajratib olindi. Harbiy va yirik kapital chiqimlar katta moliyalashtirishni talab qilganligi sababli tarmoqlangan tizim orqali pulni yig'ish va markazlashtirish ehtiyoji tutildi. XX asrlarda g'azna birligi, ya'ni Markaziy bankda yagona g'azna hisobi tamoyili tarkib topdi, g'aznaning ma'muriy tizimi shakllantirildi, unga davlat hisob-kitobi tarmog'i va pul nazorati berildi hamda Moliya vazirligiga bo'ysindirildi.

Fransiyada G'aznachilik funksiyalari Davlat G'aznasi va Davlatning hisob-kitob yuritish bosh dereksiyasi o'rtasida bo'lingan. Har ikkala tashkilot yuqori tashkilotlarning ikkinchi pog'onasi hisoblanadi: Davlat G'aznasi Moliya Vazirligining, Davlatning hisob-kitob yuritish bosh dereksiyasi Budjet vazirligining tarkibiga kiradi. Fransiyada barcha moliyaviy resurslar G'aznachilikning yagona hisobraqamida yig'iladi, bu mablag'larning miqdori Markaziy Bankda joylashgan barcha tushumlar va to'lovlar yig'iladigan shu hisobraqam bilan nazorat qilinadi. Davlat G'aznasi quyidagi huquqlarga ega:

- budjet mablag'lari taqsimlovchilarining taqdim qilgan kirim orderlarini, shartnomalarda belgilangan qarz talabnomalarini ijro qilish uchun qabul qiladi, shuningdek, qarz majburiyatlari bo'yicha naqd pullarni va davlat tashkilotlarining huquqi bo'lgan boshqa shakldagi tushumlarni oladi;

- buyruqqa asosan, kreditorlarning talabi bo'yicha taqdim qilingan hujjatlar asosida xarajatlar to'lovini amalga oshiradi, shuningdek, sud qarorlarini ijro qiladi;

- davlat muassasalarini yoki ularning ishonchli vakillariga qarashli pul mablag'larini va moddiy boyliklarni saqlashni va qo'riqlashni ta'minlaydi;

- naqd pullar bilan amalga oshiriladigan operatsiyalarni bajaradi;

- amalga oshirilgan moliyaviy operatsiyalarni tasdiqlaydigan buxgalteriya hisob-kitobi bo'yicha yuritiladigan xujjatlarni saqlaydi;

- buxgalteriyada ularga yuklatilgan buxgalteriya hisob-kitobini olib boradi.

Davlat buxgalterlari mintaqalar, departamentlar, kommunalar, shuningdek, mahalliy davlat tashkilotlari bo'yicha hisob-kitob yuritadilar. Davlat buxgalterlari budjet mablag'lari taqsimlovchilarini moliyaviy maslahatchilaridir. Budjetning xarajatlar bo'yicha ijrosi Budjet direktorati tomonidan nazorat qilinadi. Budjet direktorati o'z tizimiga qarashli moliyaviy nazoratchilar yordamida, mablag'larni xarajat qilish sur'atlarini nazorat qiladi. Xarajatlar juda qattiq nazorat qilinadi: Fransiyadagi G'aznachilik Avstraliyadagi G'aznachilik kabi davlatning ichki va tashqi qarzlarini boshqaradi, yuqorida aytib o'tganimizdek, muomalaga qimmatli

qog'ozlarni chiqarishni nazorat qiladi, ularning hajmiga, to'lov muddatiga va tarkibiga bog'liq masalalarni yechadi.


